Ўзбекистон Давлат китоб палатаси
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Нашриётлар ишлари бўйича Давлат комитети
5 - ДЕК 1990
ОЛИНДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

№ 275 (20. 842) • 1990 йил 1 декабрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯНА МИНГ ТОННА

Косон райони чорвадорлари давлатга сут сотиш йиллик режасини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Қабул пунктларига 7100 тонна ўрнига 7150 тонна серқаймоқ сут топширилди. Қўлга киритилган бу муваффақиятга «Партия XXII съезди» колхози, Титов номли, Ленин номли, «Косон», «Ленинград» совхозлари катта ҳисса қўшдилар.

Районда шахсий хонадонлардан сут йиғиб олиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида хонадонлардан 1,5 минг тонна ўрнига 1800 тонна сут йиғиб олиниб, давлатга сотилди.

Айни пайтда колхоз ва совхозларда ўндан зиёд фермер хўжаликлари ҳам ишлаб турибди. Айниқса, Т. Умидуллаев, Қ. Ашурова, Ж. Бўмирова сингари фермерларнинг ҳар бири кунига ўртача 300 килограммдан сут соғиб олиб, қабул пунктларига топширмоқдалар.

Косонлик чорвадорлар йил охиригача яна минг тонна сут тайёрлаш нияти билан меҳнат қилмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ТОМЧИ» ЖИЛОЛАРИ

Учқўрғон ноҳиясидаги пахта тозалаш заводида қўшимча иш жойлари барпо этишга алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда корхона қошида «Лола» атлас тўқиш цехи ишга туширилди.

Мазкур цехда ҳозирча 10 та дастгоҳ ўрнатилган. 20 нафарга яқин тўқувчи ушбу ускуналарда «Томчи» деб аталган симли атласнинг чиройли нусхасини тайёрлаб беришяпти. Бу ерда сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган илғорлар кўпайиб бормоқда. Айниқса, Феруза Турғунова, Ўлуғбек Ҳамидов, Мусо ва Рустам Каримов сингари тўқувчилар дастлабки кунданоқ 10—15 метрдан атлас тўқиб, касбдошларига ўрнак бўлишяпти.

Айни пайтда «Учқўрғон» давлат хўжалигида «Лола»нинг филиалини очиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Ишга тушгач, яна 60 нафар киши тўқувчи касбини эгаллайдиган бўлади.

И. РУСТАМОВ,
Наманган вилояти.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ЖИЗЗАХ, 30 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия иштирокчилари вилоятни 1991 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларини ҳамда 1991 йилги вилоят бюджетини шакллантиришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг 1990 йил 26 ноябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССЖда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 269 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади. (ЎзТАГ).

БУГУНГИ СОНДА:

● (1-БЕТ).

Яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш керак. Даромад бўлса, ижтимоий масалаларни ҳам тезроқ ҳал этиш мумкин.

● (2-БЕТ).

Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ва коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини зўр қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Меҳнат жамоаларидаги йиғилишларда ҳар иккала сиёсий ҳужжат муҳокамаси юзасидан қизғин мунозара бўлиб, мулоҳазалар, таклифлар ва қўшимчалар айтилмоқда.

● (3-БЕТ).

«Пахтакор нони «туя» бўлмайди» — «Ўзхлопкопром» ишлаб чиқариш бошқармаси бош директори А. Турсунов билан суҳбатда шу мавзу етакчи ўринни эгаллайди.

● (4-БЕТ).

Танишинг: нигоҳий табиб Абдуғаффор Абдуллаев.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Пахтаобод ноҳиясининг марказида янги муҳташам бино фойдаланишга топширилди. Болалар боғчасига «Буратино» номи берилди. 280 ўринли муҳташам кошона болаларнинг севимли маскани бўлиб қолди. Бу ердаги кўпгина жиҳозлар Болгариядан келтирилди.

Олти ёшли болалар учун барча шарт-шароит яратилган. Улар билан мактаб дастури бўйича тажрибали муаллимлар машғулот ўтказмоқдалар.

СУРАТДА: катта гуруҳда тарбиячи Гавҳарой Қозоқова машғулот олиб бормоқда.

Ш. ОЛИМОВ сурати (ЎзТАГ).

• *Президент Фармони қандай бажарилмоқда?*

СУРЪАТ ТЕЗЛАШДИ

Қишлоққа—газ ва сув

Шўрчи ноҳия партия комитети ва ноҳия ижроия комитети ижтимоий масалалар билан чуқур шуғулланабошлади. Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури асосида район партия комитетининг ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Унда районнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳисобга олинган.

Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилашга оид Фармони нур устига нур бўлди. Кейинги вақтда 150 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди. 12 километр узунликда водопровод тармоқлари бунёд этилди.

— Мавжуд аҳволни ҳисобга олиб, ишни жадаллаштиришга аҳд қилинди, — дейди ноҳия партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари ноҳия кенгаши раиси Э. Шерматов. — Президент Фармонини амалга ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар туфайли аҳолини газ ва сув билан таъминлаш суръатлари тезлашяпти.

Истиқбол режасида ноҳияни 2000 йилгача тўлиқ газлаштириш кўзда тутилган эди. Мавжуд имкониятни ҳисобга олган партия ва шўро ташкилотлари Шўрчи шаҳрини газлаштиришни 1991 йилда, қишлоқларни газ билан таъминлашни эса 1993 йилда ниҳоясига етказишни мўлжаллашяпти. Ҳозир бутун куч ва имкониятлар шу тадбирни амалга оширишга қаратилган.

Уй-жой, маданий-маиший ва жамоат бинолари қурилишлари жадал олиб борила бошлади. Кейинги 20 ой мобайнида 2220 квадрат метр уй-жой, янги мактаб, боғча, шифохона фойдаланишга топширилди. Салкам 30 минг квадрат метр якка тартибдаги уйлар барпо этилди.

Янгидан ташкил этилган 2 та механизациялашган колонна уй-жой қурилишини ҳам тезлаштиришга имкон бермоқда. Ноҳия комсомол комитети ҳузурида «Бинокор» ёшлар уй-жой қурилиши комплекси фаолият кўрсата бошлади.

Яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш керак. Даромад бўлса, ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун қўшимча маблағ ажратиш имконияти туғилади. Буни яхши тушунган меҳнат аҳли йилни барча соҳаларда зафарлар билан якунлашга ҳаракат қилмоқда.

Ю. УСМОНОВ.

• Яхшидан боғ...

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

Боғибаланд, Боғизоғон, Боғишамол, Боғибеҳишт, Боғидилкушо... Темурийлар даврида Самарқандда бунёд этилган бундай боғлар шуҳратн етти иқлимга машҳур эди. Аммо кейинги пайтларда бундай боғлар кўркидан, файзидан, саховатидан путур кетган эди.

Вилоят раҳбарлари «Яхшидан боғ қолади» нақлига амал қилиб, эски боғларни кенгайтиришга, шаҳарни ҳалқа тарзида ўраб олувчи янги боғлар яратишга кўл урдилар. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1,5 минг гектар майдонга ток ва мевали дарахт ниҳолларн ўтказилди.

Куни-кеча Оқдарё районидаги Энгельс номли колхоз ҳудудида 10 гектарлик боққа асос солинди. Бу ерга ташриф буюрганлар — «Совет Ўзбекистони» рўзномаси бош муҳаррири, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Р. Раҳмонов, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, вилоят Кенгаши раиси П. М. Абдураҳмонов ва жамоатчилик вакиллари, деҳқонлар эзгу ният билан кўчат ўтказдилар.

Сўнгги икки йил ичида Самарқанд шаҳри атрофида Жомий, Навоий, Улуғбек, Хончорбоғ, Нуроний, Даҳбед, Зарафшон боғлари юзага келди. Янги йилга қадар 2400 гектар ерга мевали дарахт кўчатлари 2500 гектар ерга эса ток қаламчалари қадалади. Ўша куни тўпланганлар Самарқанд районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида ҳам 22 гектарлик олмазорга дастлабки кўчатлар экдилар.

Ф. ТОШЕВ.

САНЪАТ

ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Санъатнинг эзгу қирралари кўп, мўъжизавий кучи катта. Хоразмликлар, белоруссиялик бадиий ҳаваскорларнинг ташрифи туфайли бунга яна бир карра амин бўлдилар. Воҳага III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасидаги тадбирларга мувофиқ, Минск вилояти Слуц ноҳиясининг бир қатор ижодий коллективлари келишди. Бу ҳазорасплик бадиий ҳаваскорларнинг шу йилнинг ёзида Слуц ноҳиясига қилган дўстона ижодий сафарига жавоб ташрифидир.

Меҳмонларнинг сафар учрашувлари Урганч шаҳридаги саноат корхоналарида, ўқув муассасаларида бошланди. Кейин воҳа қишлоқларига кўчди.

Бу учрашувларнинг ўзига хос жиҳати бор. Хоразмга санъаткорлар билан бир қаторда хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ходимлари ҳам келишди. Улар вилоят меҳнаткашларининг ҳаёти, меҳнати, урф-одатлари билан яқиндан танишдилар. Ўзларининг тажрибаларини баҳам кўришиб, мезбонларнинг яхши ишларини ўрганишди. Бир сўз билан айтганда, бу учрашувлар дўстлик, қардошлик ва ўзаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

XXIV Ўз ЛКЁИ СЪЕЗДИ

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Ҳозир келгусида ёшларга доир сиёсат қандай бўлиши керак, қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берилиши лозим, қандай стратегия ва тактиканн танлаш керак — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. М. Зюкин ўз нутқида. Сизнинг съездингизда айтилаётган гаплар мамлакатнинг бутун комсомол ташкилотига хосдир. Жумҳуриятларда турли, мураккаб жараёнлар кечмоқда, ёшлар ҳаракати хилма-хиллигининг сабаби ҳам шунда. Ҳозир комсомолнинг асосий вазифаси — ёшларни ҳимоя қилишдир.

Шу куни съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, КПСС Марказий Қўмитасининг масъул ходими Е. А. Новожилов қатнашдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

29 ноябрь куни жумҳурият комсомоли XXIV съездининг кечки мажлисида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котибини сайлаш, Ўзбекистон ЛКЁИ сайлаб қўйиладиган марказий органларини шакллантириш комиссияси номидан унинг раиси — Сурхондарё вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби У. Холмонов ахборот берди.

Съезд делегатлари муаммо марказлари иш якунлари тўғрисидаги ахборотни тингладилар. «Ўзбекистон комсомолининг Дастури ва Устави» марказидан Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ж. Ҳакимов, Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг котиби Ш. Қосимов, «Ўзбекистон ССЖда ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонун» марказидан Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси А. Саидов, «Ёшларни тарбиялаш ва ва уларга таълим бериш муаммолари» марказидан Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг котиби Я. Шодмонов, «Ўзбекистон ЛКЁИ назорат комиссияси ва молиявий-иқтисодий фаолияти» марказидан Самарқанд вилоят комсомол ташкилоти тафтиш комиссиясининг раиси Б. Қудратов ахборот бердилар.

Съездда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг Устави, «Комсомол мустақил ва гуллаб-яшнаётган Совет Ўзбекистони учун» Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Съезд делегатлари Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ва жумҳурият ЛКЁИ Марказий назорат комиссиясининг янги таркибини сайладилар.

А. Н. Носиров Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

30 ноябрь куни комсомол съезди ўз ишини давом эттирди.

Делегатлар Марказий Қўмита, тафтиш комиссияси ҳисоботларини, ВЛКСМ номидан Ўзбекистон ЛКЁИ кўрсатган ССЖИ халқ депутатлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тингладилар ва улар юзасидан қарорлар қабул қилдилар.

Съезднинг «Ўзбекистон ССЖда давлат ёшлар сиёсати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССЖ Қонуни лойиҳаси ҳақида», «Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг вазифалари ва ваколатлари ҳақида»ги резолюциялари, бошқа қарорлар қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ташкилий пленуми бўлди, унда И. А. Бибиков Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Съезднинг якунловчи иш кунида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. М. Зюкин қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон комсомолининг съезди ўз ишини тугатди.

(ЎзТАГ).

ФАН: ТАБИАТ УЧУН МАСЪУЛИЯТ

30 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг жумҳурият экологик муаммоларига бағишланган умумий йиғилиши бўлди.

Унда атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларини тозалаш ҳамда уларни қайта ишлашга доир илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, самарали ва инсон саломатлиги учун зарарсиз дефолиантларни яратиш масалалари, бошқа муаммолар туркуми муҳокама қилинди.

Умумий йиғилишни Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг президенти М., С. Салоҳитдинов кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг вице-президенти, жумҳурият Фанлар академиясининг академиги А. Ғ. Холмуродов экология муаммолари юзасидан жумҳурият илмий муассасалари фаолиятининг асосий якунлари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ҳал этишда фаннинг вазифаси тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада, йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида ҳозир академиянинг 15 та илмгоҳи ва 29 та тармоқ илмгоҳи, шунингдек кўпгина вазирликлар ва идораларнинг илмий бўлинмалари экология ва биосфера соҳасида тадқиқотлар ўтказиш билан банд эканликлари таъкидланди. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда атроф-муҳитни соғломлаштириш борасида баъзи ижобий силжишларга эришилди. Айни вақтда Ўзбекистон ҳали ҳам экологик жиҳатдан анча нохуш минтақалар қаторига киради.

Жумҳуриятнинг маҳаллий хусусиятлари, чунончи сувнинг ниҳоятда тақчиллиги, унинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, тупроқни шўр босиши, қишлоқ хўжалигини жадал суръатларда кимёлаштириш аҳволни мушкуллаштирмоқда. Жумҳуриятимизда табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг иқтисодий омиллари ҳали ишлаб чиқилмаган, идоравийлик ва маҳаллийчилик экология муаммоларини бартараф этишга ҳалақит бермоқда. Худди шу нарса экология соҳасидаги тадқиқотлар натижалари амалда жуда ёмон жорий этилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг экология муаммолари илмий кенгаши бундай ишларни суст мувофиқлаштирмоқда, уларга аниқ бир мақсадни кўзлаб маблағ ажратилмаяпти.

Нотиқлар таъкидлаганидек, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, энергетика ва транспорт соҳасида экологик жиҳатдан тоза технологияларни яратишда академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ фанининг кучғайратларини сафарбар этиш, Оролни қутқаришдек мушкул муаммонинг ҳамма жиҳатларини ўз ичига олган ягона концепцияни ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг умумий йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КУТИБ ЎТИРМАЙ, ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК

Москва шаҳар XXVIII партия конференциясида

КПСС пойтахт ташкилотининг XXVIII конференцияси бир неча ой давом этган танаффусдан сўнг 29 ноябрда ўз ишини давом эттирди. Конференциянинг иккинчи босқичида Москва шаҳридаги бир миллионли партия аъзолари вакиллари бўлган мингдан ортиқ делегат КПСС Москва шаҳар комитетининг ўтган даврдаги иши ва ҳозирги пайтдаги иши ҳақидаги ҳисоботини, шунингдек шаҳар коммунистларининг ҳаракат дастурини муҳокама қилмоқда.

Конференцияда маъруза қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев жамиятда юз берган жадал ўзгаришлар совет сиёсий системасида партиянинг роли ва ўрни тўғрисидаги тасаввурни бутунлай ўзгартириб юборганлигини таъкидлаб ўтди. Шу сабабли шаҳар партия комитети ҳам икки йилдан камроқ ҳисобот даврида ўз фаолиятининг услуби, шакллари ва усулларини йўл-йўлакай ўзгартиришига, уларни сиёсий иш изига кўчиришига тўғри келди.

Маърузачи КПСС Москва шаҳар комитетининг ҳаракатлари унча жўн бўлмаган жўшқин ижтимоий-сиёсий вазиятга нақадар мослиги, шаҳар партия комитетидаги сифат ўзгаришлари етарли даражада теран ёки теран эмаслиги, ҳозирги пайтда у қандай тусда бўлиши КПСС давр тақозосига қандай жавоб қилиши ҳақидаги масалаларни қаттиқ ва ўз-ўзини танқид руҳида баён этди.

Маърузада пойтахт партия ташкилотининг яқин келажакдаги ҳаракат дастури аниқ белгилаб берилди. Маърузачининг фикрича, ҳозирги пайтда ноаниқ «омма»ни эмас, балки ҳар бир москвалиқни, унинг оиласини ташвишга солаётган оғир муаммоларни ҳал қилишга қатъиян бурилиш энг муҳимдир. Бозорни қарор топтириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўллари, шаҳар хўжалигини ва маънавий соҳани ривожлантириш истиқболлари айни шу нуқтаи назардан кўриб чиқилмоқда.

Партияни янгилаш йўлларини биргаликда излашга минбардан айтилган таклиф мунозарани бошлаб берди. Ёндашувлардаги тафовутларга қарамай, белгиланган мақсадларга эришиш учун кучларни жипслаштиришга амалий интилиш мунозара қатнашчиларини бирлаштирди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, ССЖИ Президенти М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Нутқ матни эълон қилинади.

(ТАСС мухбири).

ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги матбуот марказида

Совет Иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Форс кўрфазидаги можарога доир қарори уруш чиқмаслиги учун яна бир чинакам имконият бериши мумкинлигига асосланади, деди 29 ноябрь куни Москвада бўлиб ўтган брифингда ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги ахборот бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ю. А. Гремитских.

Қарорда (уни тайёрлашда ССЖИ фаол иштирок этган) Ироқнинг Қувайтдан чиқиб кетиши ва гаровга ушлаб турилган барча кишиларни озод қилиши учун 1991 йилнинг 15 январигача бир ярим ой муддат белгиланади.

Ю. А. Гремитскихнинг сўзларига қараганда ана шу «яхши ният даври»да агар Ироқнинг айби билан вазият ёмонлик томон ўзгармаса, жаҳон ҳамжамияти Ироққа тазйиқ ўтказувчи қўшимча чоралар кўрмайди. Бироқ ана шу муддат ўтгандан кейин ва Ироқ қарор талабларини бажармаган тақдирда, деб таъкидлади дипломат, жаҳон ҳамжамияти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Қувайтга қарши Ироқ тажовузкорлигига тааллуқли қарорини мустаҳкамлаш ва амалга ошириш учун барча зарур воситалардан фойдаланади.

Ю. А. Гремитских ССЖИ ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзенинг таклифига биноан Швейцария ташқи ишлар маҳкамаси бошлиғи Рене Фельбер 30 ноябрь куни расмий ташриф билан Москвага келишини ҳам айтди. Ташриф режаларида швейцариялик меҳмоннинг ССЖИ Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьянов билан учрашуви, шунингдек ССЖИ ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе билан музокара олиб бориши кўзда тутилган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

ЭЪТИҚОД КУЧИ

Бошланғич ташкилот йиғилишида

Шу кунларда Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини якка тарзда ва партия ташкилотларида жамоа бўлиб ўрганиш давом этяпти. Ҳар бир партия ташкилотида ана шу мавзуга бағишлаб ўтказилаётган йиғилишларда коммунистлар ҳужжатларни ўрганиш жараёнида ўзларида туғилган таклифларни, фикр-мулоҳазаларни ўртага қўймоқдалар. Яқинда мухбирларимиз Бахмал районида бўлиб, бир қатор партия ташкилотларида ўтган йиғилишларда қатнашди. Қуйида ана шу йиғилишларда коммунистлар кўпчилик муҳокамасига қўйган фикр ва мулоҳазалар, таклифлар, ҳар иккала лойиҳага киритиш зарур бўлган қўшимчалардан айримларини айнан келтирамиз.

65-районлараро кўчма механизациялашган колонна. Кеч соат олти. Бошланғич партия ташкилоти котиби Ҳ. Эшмуродов Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари муҳокамаси кун тартибига қўйилган партия йиғилишини очар экан, ушбу ҳужжатларнинг моҳияти, унинг жумҳурият, партия ҳаётидаги роли ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди ҳамда коммунистларни лойиҳада қайд этилган қоидаларга ижодий ва танқидий ёндошишга, таклиф ва мулоҳазаларни айтишга чақирди. Унинг ўзи биринчи бўлиб таклиф киритди.

— Мен ушбу ҳужжатни ғоят синчиклаб ўқиб чиқдим, — деди у. — Фикримча, жумҳурият партия ташкилоти келажакда қандай бўлиши, унинг жамият ҳаётида тутадиган ўрни ва роли, халқ назридаги обрўси бугун партия сафларига кимларни қабул қилишимизга ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда Устав лойиҳасининг 7-банди биринчи абзацига тузатиш киритиш зарур деб ҳисоблайман. Лойиҳада **партияга 18 ёшга етган фуқаро кириши мумкин эканлиги айтилган.** Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ёшдаги йигит ва қиз энди ўрта мактабни битириб, ҳаётга қадам қўяди-ю, аммо унинг аччиқ-чучукларини татиб улгурмайди, онги, дунёқараши ҳам шу даражада бўлади. Жамоа ҳам уни ҳали яхши таниб улгурмайди. Шундай экан, мен, **18 ёшдан партияга қабул қилиш нотўғри деб ҳисоблайман. Таклифим шуки, лойиҳанинг 7-бандини бошлаб берадиган жумлани «22 ёшга етган» деб ўзгартириш лозим.**

Шундан сўнг коммунистлар бирин-кетин сўз олиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдира бошладилар. Улар жумладан, партияга кираётган кишиларга тажрибали коммунистларгина кафиллик бериши, ички интизомни кучайтириш учун партия аъзосига таъсир чораларини кўришни янада такомиллаштириш, партиядан ўчирилган шахсларни умумий асосларда яна қабул қилиш ҳақидаги фикрни қолдириш ёки қолдирмаслик, бошланғич партия ташкилотлари мустақиллигини янада ошириш ҳақида ўз мулоҳазаларини айтдилар. Кўпчилик партиядан ихтиёрий равишда чиққан шахсларни партияга қайта қабул қилиш ярамайди, деган фикрни билдирди. Баъзи коммунистлар лойиҳанинг «Ўзбекистон Компартияси пул маблағлари ва мол-мулки ҳақида»ги боби юзасидан таклиф киритдилар. Жумладан, ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи С. Исроилов шундай деди: — Партиянинг пул маблағи аъзолик бадалларидан тўпланади. Шундай бўлгач, мен лойиҳада айтилганича **комсомолда ишлайдиган коммунистларнинг аъзолик бадалларини комсомол кассасига тўлаши нотўғри деб ҳисоблайман. У ўз номи билан Ўзбекистон Компартияси аъзосидир. Демак, аъзолик бадали ҳам партия ташкилоти ҳисобига ўтиши зарур.** Мен бундан ташқари аъзолик бадаллари миқдорини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим деб биламан. Аслини олганда ҳар бир ишловчининг ойлик даромади ишлаб топилган маош ёки иш ҳақидан турли солиқлар ундириб олингачгина ҳисобланади. Шундай бўлгандан кейин **партия аъзолиги бадаллари ҳам солиқ ундириб бўлинган иш ҳақидан ҳисобланиши даркор ва коммунист даромади 300 сўмдан ошган тақдирдагина ундан 2 фоиз миқдорида бадал олиш керак.**

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари ҳоҳиш ва илтимосини инобатга олиб партия йиғилишлари графигини тузиб чиқди. Йиғилишлар ҳар қандай шароитда ҳам ана шу графикда белгиланган кунда ўтказилмоқда. Райком ходимлари ва аъзолари ҳар бир бошланғич партия ташкилотига биркитиб қўйилди. Улар йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишда ташкилотчилик қилмоқдалар. Ана шундай йиғилишлардан бири район санитария эпидемиология станцияси партия ташкилотида бўлиб ўтди. Бу ерда жамоа аъзоларидан 6 киши КПСС аъзоси. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг барчаси ҳам йиғилишда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳаларига ўз муносабатларини билдирдилар. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳар бир коммунистнинг Ўзбекистон Компартияси келажакдаги тақдирига ғоят масъулият билан ёндошаётганлигини кўрсатди. Бошланғич партия ташкилоти секретари М. Шарипова Устав лойиҳасининг 23-бандига муносабат билдираркан, бошланғич ташкилотларда айтилган фикр ва мулоҳазалар албатта район партия комитетларида инобатга олиниши лозим эканлигини таъкидлади ва ана шуни Уставга киритишни таклиф қилди. Шунингдек у **бошланғич ташкилот йиғилишларини заруратга қараб, камида уч ойда бир марта чақириш нотўғри эканлигини айтди. Йиғилишлар камида икки ойда бир марта чақирилиши зарур,** — деди у. — Чунки қуйи бўғинлар жамоа ўртасида иш олиб боргани сабабли ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, вазифалар тез-тез чиқиб туради. Уни муҳокама қилиш учун уч ой кутиб ўтириш менимча мантиққа тўғри келмайди.

Станция бош врачи Ҳ. Жамоатов коммунистлар эътиборини Устав лойиҳасининг 10-бандига қаратди. Партиянинг келажаги, жанговарлиги, обрўси унга қандай кишиларни қабул қилишимизга боғлиқ, — деди у. — Шу сабабли қабул масаласига жуда ҳам жиддий ёндошмоқ лозим. Устав лойиҳасининг 10-бандида эса **КПСС аъзолигига қабул қилишда бир йиллик синов муддати белгиланган. Шу ўринда бир таклифим бор. Ана шу синов муддатини олиб ташлаш керак.** Чунки партия сафига шу ташкилотда ишлайдиган энг яхши ходимлар, кундалик ишда синалган ва коммунистлар яхши танийдиган кишилар қабул қилинади. У шундоқ ҳам узоқ муддат жамоа синовида бўлгач яна бир йиллик синов муддати белгилашнинг ўзи ортиқча эмасми?

Станция бўлим мудири Ш. Бобоёров таклифида ҳам асосан партиянинг обрўсини ошириш, унинг жанговарлигини таъминлаш масаласи биринчи ўринга қўйилди. **Коммунист партиядан ўз ихтиёри билан чиққан шахсларни қайтадан партияга қабул қилиш ҳақидаги жумларни Уставга киритишга бутунлай қарши чиқди.** Чунки, — деди у, энг аввало онгли, тушунган, партияга нима учун кираётганлигини яхши англаб етган шахсгина Ўзбекистон Компартияси сафига киради. Ўз ихтиёри билан ундан чиқиб, кейин маълум бир муддатдан сўнг яна партияга қабул қилишларини сўраб ариза ёзадиган одамда эса менимча эътиқод деган нарсанинг ўзи бўлмайди.

Шу куни райондаги электр тармоқлари корхонаси, эски Туятортар канали бошқармаси, район ижроия комитети бошланғич партия ташкилотларида ҳам Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари муҳокамасига бағишланган партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Коммунистлар ҳар иккала ҳужжатдаги айрим қоидаларни таҳрир этиш, қўшимчалар киритиш ёки баъзи гапларни олиб ташлаш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар ва ўз таклифларини асослаб бердилар. Коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазалари район партия комитетида тўпланиб, зудлик билан партия юқори органларига етказиб берилмоқда.

— Биз Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари муҳокамасига киришишдан олдин бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарини ўтказдик, — дейди район партия комитети ташкилий бўлим мудири Б. Омонов. — Унда муҳокаманинг қай тарзда олиб борилиши, ва нималарга эътибор бериш лозимлиги тушунтириб берилди. Райком бу ишнинг боришини мунтазам назорат қилиб турибди. Партия йиғилишларида айни пайтда бошланғич ташкилотларда етилган ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам чуқур таҳлил этилмоқда. Мен ҳам ўрни келганидан фойдаланиб, партиямиз ҳаётий қонуни мажмуаси — Устав лойиҳасига ўз таклифларимни киритмоқчиман. Чунончи, унинг 10-бандидаги **«Партияга кирувчи учун бошланғич партия ташкилотининг таклифига биноан бир йилгача синов муддати, шунингдек партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин» деган жумладаги «партия аъзоларидан» сўзларидан кейин «камида уч йиллик партия стажига эга бўлган ва бир йил бирга ишлаган ва жамоат ишида танилган»** жумлаларини киритишни жоиз деб биламан. Шунингдек лойиҳанинг 24-банди иккинчи абзацидан кейинги тўртинчи қатордаги **«кундалик ишни бошқариш учун уларда йиғилиш белгилайдиган муддатга ва тартибга биноан» деган жумланинг ўрнига «икки-уч йилга» деган жумлани киритиш лозим. Шунингдек, «Ўзбекистон коммунистик партияси аъзолари» қисмининг 10-бандидаги учинчи абзацини бутунлай олиб ташлашни ҳам таклиф қиламан.**

Район партия ташкилотларида ҳар иккала сиёсий ҳужжат муҳокамасига доир йиғилишлар давом этяпти.

Р. ТУРСУНОВ,
Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

● ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ҒОЯВИЙ МУШТАРАКЛИК ВА ПАРТИЯВИЙ ЎРТОҚЛИК, ДЕМОКРАТИК ЦЕНТРАЛИЗМ ҚОИДАЛАРИ АСОСИДА ЯШАЙДИ ВА ИШЛАЙДИ.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави лойиҳасидан).

● ПАРТИЯНИНГ ОБРЎСИ — УНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПИНИ: ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ — ПАРТИЯ МАНФААТЛАРИДИР, ДЕГАН ҚОИДАНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДАДИР. ПАРТИЯ ЎЗ КУЧИ, АВВАЛО МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИНГ ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИДА ЭКАНЛИГИНИ БИЛАДИ.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастури лойиҳасидан).

ҚАРИҒАНДА ҲАМ ЯРАСИН

Устав лойиҳасида ветеранларга алоҳида имтиёзлар берилиши бизни қувонтирмоқда. Аммо шуни унутмаслик ҳам керакки, бозор иқтисодиётига ўтгач, кўп нарсаларни, жумладан айрим фазилатларни ҳам пулга алмашишга тўғри келади. Ҳар бир корхона, жамоа учун яшаб қолиш борасида кураш бошланади. Бундай пайтда касалманд ёки кекса кишидан ҳол-аҳвол сўрашга вақт топилиши гумон. Шу боисдан Уставнинг 10-моддасини қуйидаги қоида билан тўлдирилишини таклиф этаман. **«Ветеранлар тажрибаси бебаҳо бойлик. Улардан фойдаланишнинг турли усул ва услубларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан турар-жойларда (маҳаллаларда, уй-жой даҳаларида) ветеран коммунистларни бирлаштириш, фаолиятларини кучайтириш мақсадида партия группалари ёки бошланғич партия ташкилотлари тузилиши лозим».**

Кекса коммунист ўзи ишлаган корхонадан партия ҳисобидан чиқса, унга ким ёрдам беради, деган савол ҳам бор. Маҳаллада ёки кўп қаватли уйларда тузилган бошланғич ташкилотлар қайси кекса коммунист ёрдамга муҳтож бўлса, бутун ҳаётини бағишлаган корхонаси билан алоқа боғлаб, ҳамкорликда унга кўмаклашади, ҳурматини жойига қўяди.

И. СОЛИЕВ,
1954 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Ҳўжаликни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, одамлар турмуш фаровонлигини ошириш партия ташкилотимиз ва коммунистлар фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этмоқда. Ташкилотимиздаги 66 нафар коммунист ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида жонбозлик кўрсатаётир. Натижада бу йил давлатга 5967 тонна пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етказиб берилди.

Биз Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасини диққат билан ўрганиб чиқдик. Коммунистлар зиммасига юксак масъулият юклатилаётганини, халқнинг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш лозимлигини қалбдан ҳис этдик. Устав қоидалари бошланғич партия ташкилотларига кўпроқ мустақиллик беришга йўналтирилганлиги билан диққатга лойиқ. Энди ўз фаолиятимизда бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, партия сафларининг жипслигини таъминлаш чораларини кўрамиз.

Партия сафига пухта тайёргарлик кўрган, ўзини меҳнат, жамоат ишларида кўрсатган, топширилган вазифани ўз вақтида бажарадиган кишилар қабул қилинаётир. Илгаригидек тўғри келган кишилар партия сафига кириб қолмаяпти. Шунга кўра лойиҳадаги **«Партиядан ўчирилган ва ундан ихтиёрий равишда чиққан шахслар» деган сатрларни олиб ташлаш керак,** чунки, ўз ихтиёри билан партиядан чиққан кишини қайта қабул қилишга сира ҳам ҳожат йўқ. Ҳолбуки бу тартибда иш тутиш партиянинг обрўсига путур етказади. Яна шу сатрлар давомида: **«...қабул қилиниши мумкин» деган сўзлар бор. Аниқлик киритиш мақсадида «қабул қилинади» деган маъқулроқ.**

Шунингдек, лойиҳанинг 42-бандидаги **«Партия аъзоларининг ойлик маошлари 250 сўмдан ошганда икки фоиз» деган сўзлардан сўнг «ойлик маошлари 300 сўмдан ошганда икки ярим фоиз аъзолик бадаллари тўлайдилар»** деган сатрлар қўшилишини таклиф қиламан. Бу партияни молиявий томондан қўллашда муҳим аҳамиятга эга.

С. ҲАЛИМОВ,
Ульянов районидаги «Ғалаба» совхози партия комитети котиби.

МАҚСАД АНИҚ БЎЛСИН

МЕҲНАТ — РАВНАҚ НЕГИЗИ

Қишлоқда туғилиб ўсдим. Шунинг учун деҳқоннинг, пахтакорнинг қувончу-ташвишлари менга яқин. Ўрта авлод ҳақида гапирадиган бўлсам, уларнинг умрлари асосан меҳнат билан ўтган. Ота-боболаримиз бизга бола-чақани боқиш, эртанги кунни ўйлаш — ҳамма-ҳаммаси деҳқоннинг ердан қанча ҳосил кўтаришига боғлиқ, деб қулоғимизга қуйиб келишган. Ҳақиқатан ҳам шундай. Эсимни танибманки, пахта тўғрисида, уни етиштирадиган пахтакор ҳақида ўйлайман.

Машҳур пахта устаси, партия ва давлат арбоби Усмон Юсуповнинг шофёри бўлган йилларда ҳам у киши пахтакорларнинг оғир меҳнатини енгиллаштириш, ер ҳосилдорлигини ошириш, янги навлар яратиш борасида кўп бош қотирганларини яхши эслайман. Айниқса, суяги меҳнатда қотган, бола-чақаси кўп бўлганлиги учун тирикчилиги қийинлашиб қолган деҳқонга моддий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилардилар. Ўша пайтлари ишсизлар кам эди. Фан-техника ривожланган, турмуш фаровонлиги ошиб бораётган ҳозирги пайтда ишсизларни учратиш менга эриш туюлади. Ҳозирги кунга келиб Тошкент вилоятининг ўзида 37 минг нафарга яқин ишсиз бор экан. Бунинг сабабини бир томондан меҳнатнинг қадрига етмаслик, иккинчи томондан эса, маҳаллий раҳбарларнинг ёш авлод тақдири ҳақида жонкуярлик қилмаётганида деб баҳолагим келади. Ишсизликнинг яна бир сабабини мен одамларга улар эҳтиёжини қондирадиган даражада шарт-шароит яратиб берилмаётганида деб биламан. Хўш, қишлоқ шароитида беиш юрганларни қандай қилиб фойдали ижтимоий меҳнатга тортиш мумкин? Кўриб турибсиз, ёшларнинг орзу-ҳаваслари кўп. Уларнинг ҳаммасини ҳам пахтани яхши кўради, деб бўлмайди. **Шу боисдан қишлоқларда ишлаб чиқариш тармоқларини кўпайтириш керак. Айтайлик, қурилиш материаллари тайёрлайдиган, ёшларни касб-ҳунарга ўргатадиган, ўқитиб-тарбиялайдиган цехлар, заводлар, билим масканлари қуриш мумкин-ку.** Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари етиштиришни кенгайтириш ҳисобига боғбонлар, сохибкорлар, сабзавотчилар сафини ўстиришга эришса бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг хўжалигимизда ҳам шунга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик даврида бирон соатнинг ишсиз бўлмаслиги керак. Демак, ҳозирги кунда ҳар бир раҳбар ўз хўжалигида меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун одамларга нималар қилаётганлиги, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга қандай эришиш лозимлигини яна бир марта жиддий таҳлил қилиши зарур. Бунга эришилмаган жойда эса ишчи кучларининг бўшаши давом этаверади.

Кейинги пайтда деҳқонларга ғамхўрлик маъносидаги жумҳурият Президентининг қатор Фармонлари эълон қилинди ва амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам ана шу ғамхўрликнинг давомини кўриш мумкин. Масалан, **«...Жумҳуриятдаги ҳамма жойларда томорқалар саҳнини 0,25 гектарга етказиш зарурлиги тўғрисида»ги** тартиб шулар жумласидандир. Лекин мен шу жумланинг **«ҳамма жойларда»** деган сўзларини **«имкони бор жойларда»** деб ўзгартирилишини истардим. Чунки бизнинг вилоятимизда, айниқса, ҳудуди кенгайиб бораётган шаҳарларга яқин жамоа хўжаликларида бунинг уддасидан чиқиш қийин. Лойиҳанинг ана шу жумласи устида бошқа фикрларим ҳам йўқ эмас. Чунончи Президентимиз Фармонидан кейин деҳқонларга томорқалар бўлиб берилди. Бизда ҳам шундай қилинди. Лекин пахта йиғим-терими айни қизиган пайтда теримда қатнашмасдан ўз томорқасида ишлаганлар ҳам бўлди. Сабабини сўрасак, «Томорқа берилгандан кейин унда ишлаш ҳам керак-да!» деган жавобни эшитдик. Бу гапда ҳам жон бор. Бироқ қандай шароитда бўлмасин, шахсий манфаатдорлик давлат, халқ манфаатидан устун қўйилса, ўша ердаги тартиб-интизомга путур етади, деб ўйлайман. Бизда ҳам қисман шундай бўлди. Кўкламдаги сел оқибатидан кейин чигитни қайта эккандик. Ўзингизга маълум — пахта кун санайди, кеч экдингми — ҳосилни ҳам кеч оласан. Устига-устак, юқорида айтилган сабабларга кўра, олинган ҳосилни вақтида териб ололмадик. Натижада йиллик режа 22 ноябрдагина бажарилди. Раислик пайтимдаги бундай оғир йилни эслолмайман. Пахта теримига чиқмаслик ҳоллари фақат бизда эмас, балки қўшни «Партия XXI съезди», Ҳ. Турсунқулов номли, Н. Ниёзов номли ва бошқа жамоа хўжаликларида ҳам содир бўлди.

Шу нуқтаи назардан мулоҳаза юритадиган бўлсам, айрим деҳқонлар томорқаси кенгайган сайин фақат ўз шахсий хўжалигини ривожлантиришни ўйлаш билан банд бўлиб қолмасмикин?! Айтайлик, дастур лойиҳасида қайд қилинганидек, **шахсий хўжаликларнинг кенгайтирилиши ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилиш имкониятини бўлмаган кўп болали оналарни иш билан таъминлаш, озиқ-овқат бозорини мўл-кўл қилиш масалаларини ҳал этиш имконини ҳам берсин.** Аммо, шахсий хўжаликлар фақат озиқ-овқат маҳсулотлари бўладиган экинлар экишига ким кафолат бера олади?! Айрим деҳқонлар томорқа олган заҳоти ундан мўмай пул ишлаб олиш мақсадини кўзламоқдалар. Иссиқхоналар қуриб гулчилик билан шуғулланмоқдалар. Шунинг учун лойиҳадаги ана шу сўз бошини баъзи аниқликлар билан тўлдирилиши тарафдориман. Дейлик, **«Томорқадаги асосий майдонни озиқ-овқат экинларини ташкил қилиши керак»** деган жумла қўшилса.

Бозор муносабатларига, ўтиш даврида ҳалол, ишнинг кўзини билиб қилинган ижтимоий фойдали меҳнат ҳар қачонгидан ҳам асқотиши турган гап. Зотан, меҳнатгина инсоннинг номини улуғлаб, унинг катта орзуларини ушалтиради.

Ў. ТУРАҚУЛОВ,
Янгийўл ноҳиясидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги раиси.

Сайёрамиз нафаси

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 29 ноябрь. (ТАСС мухбири Дмитрий Марфинский). Вьетнам Социалистик Жумҳурияти Вазирлар Кенгашининг раиси До Миой Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш муддаосини изҳор этди.

У Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов бошчилигида ВСЖ ҳукуматининг таклифига биноан дўстона ташриф буюрган Ўзбекистон ҳукумат делегациясини чоршанба куни бу ерда қабул қилди.

Вьетнам раҳбари бу ташриф ВСЖ билан Ўзбекистон ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшажагини таъкидлади, деб хабар қилади бугун марказий матбуот. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, маданият ва фан-техника соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар бор. Айни вақтда, деди у, ҳозирги визит умуман Вьетнам—Совет ўзаро алоқаларини янгилашга ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

До Миой Вьетнамдаги инқилоб иши билан бирдамликлари учун Ўзбекистон ССЖ халқига, барча совет меҳнаткашларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг бошлиғи Ўзбекистон ҳукумати ва халқи иккала жумҳурият ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида янги босқич очишга интилаётганликларини билдирди.

●

Хитой Халқ Жумҳурияти. Харбин шаҳрининг суратда акс эттирилган қисмини рус шаҳарчаси деб аташади. Асримизнинг 20-30-йилларида у рус мухожирлари ва темир йўл шохобчаси қурувчилари томонидан бунёд этилган.

С. КОЗЛОВ олган сурат. (ТАСС).

●



НОРВЕГИЯ НОБЕЛЬ ҚЎМИТАСИНИНГ БАЁНОТИ

Норвегия Нобель қўмитаси Президент М. С. Горбачевнинг Нобель тинчлик мукофотини топшириш маросимида қатнашиш имконияти йўқлиги муносабати билан афсусланганини билдириб, Совет раҳбари бундай қарор қабул қилиши учун жиддий асослар борлигини ҳам таъкидлади. Норвегия Нобель қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ф. Сейерстед шу ҳақда гапирди.

Айни вақтда у маросим санаси тинчлик мукофоти таъсисчиси — Альфред Нобель вафот этган куни ўтказилишини ва қўмита уни бошқа кунга кўчира олмаслигини уқтирди. Совет раҳбарига унинг номидан 10 декабрь куни мукофотни қабул қилиб олиши мумкин бўлган махсус шахсни тайинлаш таклиф этилади. Нобель тинчлик мукофоти лауреатининг анъанавий маърузасига келганда, қўмитанинг фикрига кўра, уни М. С. Горбачев хоҳлаганидек май ойида уюштириш мумкин.

Норвегия телеграф бюросининг хабар қилишича, мамлакат бош вазири Г. Харлем Брундтланд хоним шундай деди: Совет Иттифоқидаги вазиятнинг ривожланишини ҳисобга олиб, М. С. Горбачев сафарини бекор қилишга асос бўлган жиддий сабабларга қўшилиш керак бўлади. Бош вазир келаси йилнинг баҳорида Совет раҳбари Нобель тинчлик мукофоти лауреатининг анъанавий маърузасини қилиш учун Норвегияга келади, деб умид билдирди.

С. НЕШУМОВ,
ТАСС мухбири.

НЕРУ НОМИДАГИ МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Совет фуқаролари — Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти раёсатининг аъзоси Ф. Ғ. Тешабоев, ҳайкалтарош, РСФСР халқ рассоми Д. Б. Рябичев, Белоруссия кукун металлургияси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, профессор О. В. Роман, шунингдек бир қатор фанлар ҳинд тилида ўқитилаётган Москвадаги 19-интернат-мактаб Совет — Ҳиндистон дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги қизғин фаолияти учун 1989—1990 йиллар Жавоҳарлал Неру номидаги мукофотга сазовор бўлдилар. Ҳиндистон ҳукумати ва Ж. Неру номидаги мукофотлар Совет қўмитаси шундай қарор қабул қилди.

Мукофотларни топширган Ҳиндистоннинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили П. К. Будхвар лауреатларни самимий табриклади, ҳинд-совет дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамланади ҳамда ривожланади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИК

● Тошкентда очилган семинар-кенгашда ўзбекистонлик кимёгар олимлар, биологлар, шифокорлар, шунингдек Америкадаги ФМС фирмасининг вакиллари, Туркия, Покистон, бошқа мамлакатларнинг мутахассислари қатнашмоқдалар. Семинар-кенгаш ғўза зараркунандаларига қарши курашда янги самарали дори-дармонлардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган.

— Бу ерда гап, жумладан, Америкада яратилган ва Ўзбекистонда муваффақиятли равишда синовдан ўтган талстар дорися ҳақида бормоқда, — дейди фирманинг Москвадаги вакили Деннис Макмэхен. — Фирмамиз ўзбекистонлик шериклар билан шартнома тузиб, икки йилдан бери ҳамкорлик қиляпти. Экология масаласи жуда ўткирлашган ҳозирги пайтда сизнинг мамлакатингизда, жумладан Ўзбекистонда бу дорига катта қизиқиш билдиришмоқда.

Семинарни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги, экология жиҳатидан зарарсиз дориларни кенг қўлланиш йўлларини муҳокама қилишдан иборатдир.

(ЎзТАГ).

• *Деҳқончилик саноати: иқтисодий ислоҳот йўлларида*

ПАХТАКОР НОНИ «ТУЯ» БЎЛМАЙДИ

Шу пайтгача Ўзбекистон пахтасининг ҳаммаси давлат буюртмаси бўйича топширилар, даромад эса ҳаражатни қисман қопларди, холос. Пахтамиз Москвада сотилар ва бу билан «Союзглавлегпромсирьё» Бутуниттифоқ фонди шуғулланар эди. Энди эса жумҳуриятимиз «оқ олтин»ни ўзи сота бошлайди. Шу мақсадда 28 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖнинг пахта маҳсулотини улгуржи сотиш жумҳуриятлараро ярмаркаси иш бошлади.

Хўш, жумҳуриятимиз пахтачилик саноати ходимлари олдида қандай вазифалар турибди! Бу саволга «Узхлопкопром» ишлаб чиқариш бошқармасининг бош директори А. ТУРСУНОВ қуйидагича жавоб берди:

Бу йил жумҳуриятимизда 160 минг гектардан зиёдроқ пахта майдони бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, янги боғ-роғлар яратиш ва шаҳсий томорқа хўжаликлари учун бўлиб берилди. Бу жуда катта рақам. Шу боисдан «Пахтанинг ялпи ҳосили камайиб кетмайдими?» — деган савол туғилганлиги табиий. Йўқ! Ундай бўлмади. Бу йил жумҳуриятимиз бўйича 5 миллион тоннадан зиёд пахта тайёрланди.

Корхоналаримизнинг янги мавсумга тайёргарлиги масаласига келсак, режалаштирган барча ишларимизни амалга оширдик. Ҳамма ноҳияларда хўжалик фаоллари ва ишлаб чиқариш илғорларининг кенгашлари ўтказилди. Кенгашлар ишида ноҳияларнинг партия ва совет раҳбарлари, деҳқончилик саноати корхоналарининг мутахассислари, пахтакор хўжаликлар, соҳага алоқадор ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари қатнашишди. Унда йўл қўйилган хато-камчиликлар рўй-рост танқид, таҳлил қилинди. Муҳокама асосида пахта тадбирлар ишлаб чиқилди, янги вазифалар белгилаб олинди.

514 та тайёрлов пункти, 491 та қуритиш-тозалаш цехи қайтадан қурилди. Корхоналаримиз ва пахта қабул қилиш пунктларига янги ускуна ҳамда замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Қабул қилинган пахтанинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун 14.300 та бунгалаш майдони тайёрланди.

Колхоз ва совхозларнинг вакиллари заводларимизнинг лаборантлари билан бирга пахтани қабул қилиш курсларини тамомлаб, малака ошириб қайтишди.

Энди икки оғиз гап пахтага тўланадиган ҳақ хусусида. Пахтакорларимиз давлатга топширилган ҳар тонна биринчи ва иккинчи нав пахта учун қўшимча 210 сўм, учинчи нав учун эса 120 сўм устама ҳақ олишди.

Лекин ҳозирги иқтисодий-ижтимоий шароит бозор иқтисодиётига ўтишни шарт қилиб қўймоқда. Шундай экан, вақтни ўтказмай, унга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш керак. Аммо қандай қилиб?! Бу муаммонинг ечими ҳозирча бизга мутлақо қоронғи, десам кўпчиликнинг фикрини ифодалаган бўламан. Тўғри, ҳали биз юқоридан ҳеч қандай кўрсатма олганимиз йўқ. Лекин кўрсатма кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Иш жараёнинг, ният-мақсадинг аниқми, ҳаракатингни қилаверишинг керак.

Шу мақсадда айрим ташкилий ишларни олдиндан режалаштириб қўйдик. Биз учун ҳозир энг муҳим масалардан бири — тажрибакорлардан ўрганиш, билим ва малака оширишдир. Пахта тайёрлаш мавсуми тугагач, барча бош директорларимиз, бирлашма раҳбарлари бозор системасида иш юритаётган чет эллик ҳамкасбларимиз ҳузурига бориб келишади. Улар чет эллик мутахассислардан бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш санъатини ўрганиб қайтадилар. Ахир, халқимиз «Минг бор эшитгандан кўра бир бор кўрган афзал» деб бекорга айтмайди.

Фикримча, бозор иқтисодиётига ўтилганда сифат асосий мезон вазифасини ўтайди. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона, тармоқ сўзсиз синади, инқирозга юз тутади. Шунинг учун тола сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш шу куннинг асосий талабидир. Фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган корхонагина кўпроқ фойда олишга муваффақ бўлади. Демак, кўпроқ фойда олиш учун маҳсулотни жаҳон стандарти даражасига етказиш зарур. Шунинг учун ҳозирги кунда дунё сертификацияси бўйича таҳлилга ўтиш юзасидан баъзи ишларни амалга оширяпмиз. Яъни заводларимизда ҳар бир пахта тойидан момиқ ажратиб олиниб, лаборатория йўли билан унинг сифат кўрсаткичлари аниқланади. Тола сифатини тез ва пухта аниқлаш учун мукаммал лабораториялар керак. Бундай лабораториялар эса афсуски, ҳозирча бизда етарли эмас.

Яқинда ўзаро шартномага кўра, Америка Қўшма Штатларидан тола сифатини аниқлайдиган 4 комплект замонавий лаборатория ускуналарини олдик.

Жойларда махсус тармоқлараро комиссиялар ишлаб турибди. Бу комиссияларга деҳқонлар ўюшмаси, пахта сифатини аниқловчи ташкилот, халқ назорати ва бошқа алоқадор корхоналарнинг вакиллари кирган бўлиб, улар хўжаликлар ва тайёрловчилар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчиликларни зудлик билан холисона бартараф этишга сафарбар қилинганлар.

Шу ўринда пахтани қайта ишлаш саноати келажакда қандай иш юритади, деган саволга ҳам жавоб бериб ўтсам. Пахтачилик саноати истиқболи деганда кўз олдимга энг аввало юқори даражада кенг қамровли билимга эга бўлган кадрлар билан таъминланган, технология линиялари ва лаборатория асбоблари автомат тарзда ишлайдиган ва бошқариладиган корхоналар келади.

Иккинчидан, чет эл фирмалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қуриш, қисқаси, чиқитсиз ишлаб чиқариш технологиясини узил-кесил йўлга қўйиш жуда зарур. Бу борада дастлабки режалар амалга оширила бошланди. Шу йил охирида ўзаро шартнома асосида жумҳуриятимизда пахта чиқиндисидан целлюлоза ишлаб чиқарадиган янги кимё заводи ишга тушади. Янги корхонани Буюк Британия ва Исроил фирмалари биргаликда бунёд этмоқда. Бу жумҳуриятимизда пахтачилик саноати соҳасида қурилаётган биринчи қўшма корхонадир. 1992 йилда эса Тошкентда ана шу целлюлоза асосида қоғоз ишлаб чиқарадиган йирик корхона ишга туширилади. У ҳар йили 2,5—3 миллион сўм соф фойда беради.

Иккинчи қўшма корхона Американинг Ай-Ти-Ай фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилади. Пахтадан ҳар йили 7—8 миллиард сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бу корхона тўла ишга тушса, жумҳуриятимизда қарийб 300—350 мингта янги ишчи ўрни вужудга келади. Йирик шиша заводи қурилишини эса Италия фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширмоқчимиз ва ҳоказо.

Айни кунларда Тошкентда ярмарка ўтказилаётганлиги ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасига киради. Пахтани улгуржи сотиш юзасидан амалга ошириладиган вазифалар билан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таъминот ҳамда енгил саноат хом ашёси ва маҳсулотини сотиш бошқармаси шуғулланяпти. Бу жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, пахта заводларининг бутун маҳсулотини бир жойга жамлаш ва уни мақбул шартларда сотиш имконини беради. Тола ва пахтани қайта ишлаш йўли билан олинадиган бошқа маҳсулотларни вилоятлардаги бирлашмаларимиз, пахтани қайта ишлайдиган колхоз ва совхозлар етказиб берадилар.

Хуллас, буларнинг ҳаммаси катта ишларнинг дебочаси, холос. Ҳали ишларимиз кўп. Мақсадимиз жаҳоннинг илғор фирмалари билан ҳамкорликда соҳани янада ривожлантиришдир.

Суҳбатдош
Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ЕНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

ОҚИБАТИ ЎЗИДАН ОҒИР

Бугунги кунда содир бўлаётган енгинлар, уларнинг тафсилотлари, келиб чиқиш сабаблари ҳақида жумҳурият матбуотида хабарлар босилмоқда, ойнаи жаҳон, радио орқали кенг маълум қилиняпти.

Жорий йилнинг ўзида жумҳуриятимизда бўлиб ўтган ёнғинларда 197 киши ҳаёт билан видолашди, 1200 киши турли даражада жароҳат олди. Шуларнинг ярмидан кўпи балоғат ёшига етмаган ёш болалардир. Бўлиб ўтаётган ёнғинлар орқасида қанчадан-қанча фарёдлар, нолалар эшитилади.

3 ноябрь тонг отарида Жиззах вилояти Зарбдор посёлкасида истиқомат қилувчи П. А. Плеханнинг уйида ёнғин содир бўлди. Ёнғин электр иситғич қаровсиз қолгани туфайли бошланган. Ёнғин натижасида 1947 йилда туғилган Н. Рамазонова ҳалок бўлган.

Шу куни кечки соат 21.00 да Самарқанд вилояти Жомбой ноҳиясида истиқомат қилувчи Т. Бобоёровнинг уйини ўт олди. Ёнғин натижасида қаттиқ куйиб, жароҳатланган, 1963 йилда туғилган М. Ҳамақулова ҳаётдан кўз юмди.

7 ноябрь куни Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчи» совхозига қарашли гаражнинг қоровулхонасида ёнғин чиқди. Оқибатда бир одам нобуд бўлди, 3 киши жароҳат олди. Уларнинг ҳаммаси қаттиқ маст ҳолда бўлганлар.

Биз юқорида ноябрь ойида содир бўлган ёнғинлардан баъзиларини айтиб ўтдик. Бўлиб ўтаётган ёнғинлар кимларнинг хатоси туфайли келиб чиқяпти? Ёнғиндан энг аввал ким талафот кўряпти? Халқимиз орасида «Ким олов билан ўйнаса, оловдан куяди», «Олов — тилсиз ёвдир» каби мақоллар бекорга ишлатилиб келинаётгани йўқ-ку!

Кўпчиликнинг кўнглида менинг уйимда ёнғин содир бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳеч қандай чора-тадбир кўрмасам ҳам бўлади, ёнғин чиққан тақдирда ҳам тез ўчириб оламан деган фикр ўрнашиб қолган. Оқибатни ўйламай уйларнинг бостирмаларида қуруқ ем-хашак сақланади, электр симларини қўпол равишда устун, енгил ёнувчи материаллар устидан ўтказишади, газ плиталари устида ва бошқа иситгич асбоблари ёнида қуритиш учун кийим-бошлар илинади, тутун чиқадиган мўрилар ўз вақтида тозаланмайди.

Оловдан эҳтиёт бўлиш учун катта сарф-харажат, вақт керак эмас. Бунинг учун қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиш кифоя.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармасининг матбуот маркази.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Баҳористон ноҳиясидаги Маҳтумқули номли мактабнинг тажрибали мураббийси Салби опа Гуллиева бир неча йилдан буён қишлоқ хотин-қизлар кенгашини бошқармоқда. Хотин-қизлар кенгашининг машғулотлари ўз вақтида ва мунтазам ўтказилаётганлиги туфайли қишлоқда ноҳуш воқеалар рўй бермаётир.

Опанинг ўзи эса тўрт фарзанд 30 набира ва 13 эварани тарбиялаётир. Унинг самарали меҳнатлари «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган.

Суратда: Салби Гуллиева ноҳия ижро комитети раиси Е. Сафаров билан суҳбатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ суратн.
(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАН ҲАҚИДА СЎЗ

ОҚСОҚОЛ

Абдуваҳоб акани шогирдлари билан суҳбатлашаётган чоғда учратдим. Устозларини ўраб олган қурувчи шогирдлар уни гўё анчадан бери кўрмагандек меҳр-муҳаббат билан ардоқлашар, саволга тутишарди.

Шукрким, чарчаш, зерикиш нималигини билмайман. Ҳар куни эрталаб туриб, дала айланаман,— дерди Абдуваҳоб ака. — Узоқ-узоқлардан кўриниб турган, сизлар билан биргаликда қурган мактаб, шифохона, ферма бинолари, болалар боғчалари мени қувонтиради. Умрим бекор ўтмаган экан, дейман ўзимга-ўзим. Сўнгра санаторий-профилакторийларга бориб одамлар билан отамлашаман, чойхоналарга кириб, тенгқурлар билан гурунглашаман. Яқинда Сўқоқда барпо этилаётган янги мактаб қурувчилари ҳузурида бўлдим. Дам олиш кунлари бирга ишлашган ёру-дўстлар уйга келиб қолишади. Районимизни янада ободонлаштириш, унинг келажаги ҳақида гаплашамиз. Яқинда бўлган ана шундай суҳбатлардан бирида район марказини кесиб ўтадиган Қорасув қирғоқларини қандай қилиб ободонлаштириш ҳақида гап кетди. Хуллас, ҳеч тиниб-тинчишмайди кексалар...

Абдуваҳоб ака шогирдлари билангина эмас, балки бошқа ким билан бўлмасин, ҳамиша ана шундай камтарона суҳбатлашади. Ўзи ҳақида, илгари қилган хизматлари ва ҳозир ҳам тинмай амалга ошираётган ишлари ҳақида оз сўзлайди. Дарвоқе, ёши қарийб 70 га бориб қолган Абдуваҳоб ака Эргашбоевни Паркент ва Коммунистик районларида танимайдиган одам кам, десак муболаға бўлмайди. Халққа хизматни ўринлатиб қўйган, одамлар эслаб юрадиган райком котиби ёки ижроком раисичалик обрўси бўлса бордиқи, лекин ундан кам эмас. У Коммунистик районида колхозлараро кўчма қурилиш колоннасининг бошлиғи бўлиб салкам 30 йил ишлади.

Тошкентдан бораверишда Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги «Ленинский путь» жамоа хўжалиги Коммунистик районининг биринчи хўжалиги. Узоқлардан кўзга ташланадиган хўжалик марказидаги Санъат саройи, савлат тўкиб турган колхоз идораси, хиёбонлар, кўп қаватли турар жойлар, шифохона, мактаб биноси, дала шийпонлари, болалар боғчаси — буларнинг ҳаммасини Эргашбоев бошчилик қилган 89-кўчма қурилиш колоннаси қурувчилари бунёд этишган.

Паркент йўли Чотқол тоғларига қараб кетади. Бу ерда шаҳар типида қурилган «Политотдел» жамоа хўжалигининг уйлари, Санъат саройи, теплица хўжалиги ва бошқа турли иморатлар ҳам ана шу 89-кўчма қурилиш колоннаси меҳнат жамоасининг куч-ғайратлари билан тикланган.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳам кейинги ўн-ўн беш йил ичида шаҳар қиёфасига кириб қолди. Ўнлаб, юзлаб уй-жой, магазин, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, шифохона ва бошқа бинолар барпо бўлди. Коммунистик районидаги жами 8 та колхоз, 2 та совхоздаги қурилишларнинг қарийб барчаси 89-қурилиш кўчма колоннаси фидокорларининг меҳнати билан бунёд этилган. Зотан, шунча ишларнинг бошида туриш, одамларга бош-қош бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди. Йиллар давомида биргина иморат қуришни ҳам эплай олмайдиган қурилиш ташкилотларини биламиз...

А. Эргашбоев Паркент ва Коммунистик районлари ҳудудида пионер лагерлари, профилакторийлар, мактаб ва шифохоналар қуриб, бу жойларни обод қилишга ўз хайрли ҳиссасини қўшди. У раҳбарлик қилган қурилиш ташкилоти ҳар йили камида 5—5,5 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жой, 240—300 ўринли мактаб бинолари, боғчалар қурарди. Шу туфайли ҳам жамоа Тошкент вилоятида илғор қурилиш ташкилоти сифатида тилга олиб келинди. Эргашбоев ҳар бир бинони барпо этишдан аввал бинокорларни, ҳунармандларни тўплаб, қурилиш лойиҳасини ҳам биргаликда пухта кўриб чиқар, обдон маслаҳатлашиб оларди. Шундан кейингина та совхоздаги қурилишларнинг қарийб барчаси 89-қурилиш кўчма колоннаси фидокорларининг меҳнати билан бунёд этилган, Зотан, шунча ишларнинг бошида туриш, одамларга бош-қош бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди. Йиллар давомида биргина иморат қуришни ҳам эплай олмайдиган қурилиш ташкилотларини биламиз...

А. Эргашбоев Паркент ва Коммунистик районлари ҳудудида пионер лагерлари, профилакторийлар, мактаб ва шифохоналар қуриб, бу жойларни обод қилишга ўз хайрли ҳиссасини қўшди. У раҳбарлик қилган қурилиш ташкилоти ҳар йили камида 5—5,5 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жой, 240—300 ўринли мактаб бинолари, боғчалар қурарди. Шу туфайли ҳам жамоа Тошкент вилоятида илғор қурилиш ташкилоти сифатида тилга олиб келинди. Эргашбоев ҳар бир бинони барпо этишдан аввал бинокорларни, ҳунармандларни тўплаб, қурилиш лойиҳасини ҳам биргаликда пухта кўриб чиқар, обдон маслаҳатлашиб оларди. Шундан кейингина қурилиш ишлари бошланарди. Лозим бўлса, у бинонинг ҳар бир ғишти қандай қўйилаётганини ҳам текшириб борарди. Халқ ўз ишининг устаси, деган иборани айнан шундай одамлар ҳақида гап кетганда қўллайди. Шунинг учун ҳам Эргашбоевнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У Ленин ордени, медаллар билан тақдирланди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» юксак унвонига лойиқ кўрилди.

Абдуваҳоб ака ҳозир пенсияда. Лекин қадрдон ишхонасида ҳам тез-тез бўлишни канда қилмайди. Унинг кўплаб шогирдлари ҳамон устозлари каби ишбилармонлик билан, у билан бамаслаҳат иш олиб боришмоқда.

А. Эргашбоев — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У жангни Сталинград остоналарида бошлаган. Оддий деҳқон фарзанди жанг майдонида тўпчилик қилди. Танкка қарши ўқ отиш йўлларини қуролдошларига ўргатди. Душман танкларига, «ДОТ», «ДЗОТ»ларига кирғин келтирди. Орёл—Курск, Белгород, Корсун—Шевченко, ясси-Кишинев операцияларида қаҳрамонлик кўрсатди. «Қизил Юлдуз» ордени, «Жасурлиги учун», Бухарест, Будапешт, Венани озод қилганлиги учун ва бошқа жанговар медаллар билан тақдирланди. КПСС сафига ҳам у ана шу оғир жанг майдонларида синалиб, тобланиб — 1944 йилда қабул қилинган. Урушда уч марта яралар бўлди. 1946 йилда хизматдан қайтгач, қурилиш билим юртини битирди. Ўшандан то 1987 йилда пенсияга чиққунига қадар қурувчилик касбини эъзозлади.

А. Эргашбоев пенсияда бўлсада, ҳамон тинмайди. Ҳикоямиз бошида айтилганидек, у ҳамиша шогирдлари, тенгқурлари, ҳамқишлоқлари орасида. Ҳар қандай тўю маъракага Эргашбоевсиз ўтмайди. Чунки у эл оқсоқоли, одамларнинг чинакам маслаҳатгўйи.

Ҳар сафар Абдуваҳоб Эргашбоевни кўрганимда, унга ҳавас билан қарайман, ҳеч кўз тегмасин дейман. Зеро, элнинг эътирофига сазовор бўлган, бутун умри бўйи сўзда эмас, балки амалда иш қилган, ҳозирги қайта қуриш ва янгиланиш даврида ҳам барчага ўрнак бўлаётган ана шундай фахрийларимиз донмо бор бўлсин, умрлари чинор умридай узоқ бўлсин!

Раҳматилла ИСҲОҚОВ,
Улуғ Ватан урушн ва меҳнат ветерани.

САНЪАТШУНОСЛАРНИНГ ЯПОНИЯГА ТАШРИФИ

● Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳининг Японияга сафарга жўнаб кетган бир гуруҳ олимлари қайтиб келишди.

Санъатшунослар Токио дорилфунунида ўзбек маданияти тарихидан лекциялар ўқишди, ўзларининг япониялик ҳамкасблари билан учрашишди, археологик қазилмаларда иштирок этишди. Санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳи билан Токио дорилфунуни ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома туфайли совет санъатшуносларн ана шундай сафарга чиқишлари мумкин бўлди.

(ЎзТАГ).

• *Фурқат таваллудининг 130 йиллигига* •

ИСТЕЪДОД БАХТИ

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижоди ярим асрдан буён олимлар эътиборини тортиб келмоқда, ўнларча қимматли тадқиқотлар яратилган. Шунга қарамай, бу бетакрор истеъдод соҳибининг кўпқиррали ижоди ҳар бир авлод назарида янги-янги тадқиқотларга манба бўлиши, шубҳасиз.

Кейинги вақтда мамлакатимизнинг турли жойларида рўй бераётган, катта фожиаларга сабаб бўлаётган миллий ихтилофларни кўз олдимизга келтирайлик, Фурқатнинг ўзбек, рус, тожик, озарбайжон, ҳинд, афғон, уйғур, хитой, юнон, хатто кўпчилик яхши тасаввур ҳам қила олмайдиган Жанубий Африкадаги бур халқларининг тарихи, маданияти, урф-одатларига, уларнинг ўз мустақиллиги ва озодлиги учун келгинди босқинчиларга қарши курашларига эҳтиром билан суғорилган, турли миллат ва динга мансуб кишиларни аҳил, тинч-тотув яшашга даъватдек янграйдиган асарлари бу мураккаб муаммоларни ҳал этишда ҳозирги ёшларимизга доно маслаҳатгўй бўлиши мумкин.

Фурқат билан бир вақтда янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлигининг тамал тошини қўйган ҳаммаслак дўстлари ҳам ўз халқининг ўтмиш маданиятига ифтихор туйгусини бизнинг авлодларга мерос қолдириб кетган эдилар. Биргина мисол. Сатторхон Абдулғаффоров «Туркистон вилоятининг газети»да ишлай бошлаган дастлабки ҳафталарда чоп этилган мақоласидаёқ бу ҳақда қуйидагича дадил фикр билдирган эди: «Аввало бизларга лозимдурким, бобо ва аждодимизнинг тараддудлари бирлан ошкоро бўлинғон илмларни таҳсил қилмоққа ружуъ қилмоқ. Чунки бизларга уят ва айбдурким, бизларнинг бурунғи олимларимиз илм бобида баланд даражада туруб, ҳатто бошқаларга таълим бериб турган бўлсалар, бизлар ҳама халқдин ул бобда пастлик мақомида қолсоқ» («Туркистон вилоятининг газети», 1883 йил 15 февраль, 6-сон).

Баъзи тадқиқотчилар Фурқат ўз маърифатпарварлик фаолиятини бошлаган дастлабки ҳафталарда битган:

Жаҳон басту кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди илм бирла.
Кўнгулларни(нг) сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандур.

мисраларини дастак қилиб, гўё у жамият тараққиётининг асосий қонунларини тушуниб етмаган, шунинг учун ҳам илм-фаннинг аҳамиятига керагидан ортиқча баҳо берган, деган фикрни билдирадилар. Аслида илм-фаннинг аҳамиятига керагидан ортиқчароқ баҳо бериш барча маърифатпарварларнинг фаолиятининг илк босқичига хос умумий жиҳатдир. Ҳатто Ҳамза Ҳакимзода ҳам асримиз 10-йиллари ўртасида:

Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсен, Ниҳон,
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм,

дея худди шундай йўл тутган эди. Маърифатпарварлар ҳаёт қозонида қайнаб, ҳақиқатни тўлароқ тушуна борганлари сари жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик омилларни яхшироқ англаганлар. Масалан, Фурқат ўз маърифатпарварлик фаолиятининг дастлабки икки ойи ичида яратилган «Гимназия», «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида» шеърларидан кейинги бирор асарида илм-фаннинг қудратига юқоридаги каби ортиқча баҳо берганлиги маълум эмас. Аксинча, биринчи рус инқилобидан беш ойгина аввал эълон қилинган шеърида:

Агар жунбушга келса раъиятнинг пуржамъи ногаҳ,
Йиқилғай ерга меҳри ҳоваронни(нг) бошидин афсар,

дейдики, бунда раъият, яъни оддий халқнинг инқилобий қудратига қатъий ишонч сезилиб туради.

Мавжуд тузумни, чоризмнинг босқинчилик сиёсатини танқид қилиш Фурқат асарларининг замирига, ботинига сингдириб юборилганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам бу забардаст сўз устаси асарларини ўқиганда ҳамиша уларнинг ботиний мазмунига алоҳида эътибор бериш зарурати сезилади. Шоир хорижда яшар экан, бир томондан «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумовнинг буюртмасига, иккинчи томондан ёркинтлик хўжайини Комилжонбойнинг фармойишига кўра рус-япон уруши мавзуида бир неча шеърлар эълон қилдиради. Бундай шеърлар газетхонларда гўё чоризмнинг босқинчилик сиёсатига хайрихоҳликдек тасаввур қолдириши хавфини тушунган Фурқат «Қасида»га ёзган сўзбошисида: «Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридаға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотирларига хутур қилмоғайким, бу сўзлар хушомадгўйлиг юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музаммирдур, вассалом», дея ўз асарларининг ички мазмунини тушуниб ўқишни илтижо қилган эди. Фурқат асарлари шоирнинг ўзи истаганидек ўқиладиган бўлса, у ҳолда «Рус аскарлари таърифида»нинг кириш сўзида «Русия давлатининг ёпун халқи бирла қилғон муҳорибаси» деган баҳо, «Хорижия шаҳардин ёзган бир ошнонинг сўзи» даги «Русия салтанати бирла ёпун халқи муҳорибаси» дея яна ҳам очиқроқ ёзилиши ўқувчига кўп нарсаларни англатади. Чунончи:

Бориб Манжурия сори урушқа,
Ёпун халқини турди ўлдурушқа.
Ёпун халқидин анда бўлди кушта,
Қўпуб ул қушталардин пушта-пушта,

мисраларини ўқиганда Фурқатнинг рус-япон урушига аслида қандай муносабатда бўлганини пайқаб олиш қийин эмас.

Йирик маърифатпарвар шоир ўзининг чоризм сиёсатига моҳият эътибори билан зид келган қизғин фаолияти учун 1891 йилдан то умрининг охиригача ватанжудоликда яшашга мажбур этилди. Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлакачи тўралар шоирнинг бу ватанжудолигини гоят усталик билан амалга оширган, оддий халқ орасидагина эмас, ҳатто Фурқатнинг энг яқин дўстларида ҳам гўё у дунёни саёҳат қилиб юрибди, деган таассурот туғилишига эришган эдилар. Бу борада Фурқат ватанжудолигининг еттинчи йилида унинг дўстлари Завқий ва Муқимий Ўшга борганларида у ердан Қашқарга кетаётган Ҳожи Исҳоқ афанди орқали шоирга жўнатилган мактуб эътиборга лойиқдир.

Завқий томонидан битилган ўша мактубда Фурқатни Қўқон, Марғилон, Хўжанд, Ўш, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб ихлосмандлари зўр илҳақлик билан кутаётганларидан ташқари, шоирнинг падари бузруквори, онаизори ва фарзанди дилбандининг кўзлари ҳам унинг йўлида эканлиги ҳақида фан учун қимматли маълумотлар берилади. Айни вақтда уларнинг барчаси буюк маърифатпарвар шоирни саёҳатда деб тушунганликлари ҳам маълум бўлади. Аслида бу саёҳат эмас, мажбурий ватанжудолик эканини, ундан қутулиш ҳайрат афзо тилсимдан қутулишдек чорасиз эканини Фурқат 1903 йилда марғилонлик дўсти Тошболтуга йўллаган мактубида қуйидагича ифодалаган эди:

Борурман гар қутулсам бу тилсими ҳайрат афзодин,
Етиб имдод ҳолимға жамъни муддаолардин.

Фурқат абадий ватанжудоликка маҳкум этилган бўлса ҳам ҳамиша она юртининг, халқининг ғам-ташвиши билан, унга манфаат келтириш иштиёқи билан яшади. Ёркентда «Туркистон вилоятининг газети»га обуналар уюштирди, ерли халқ фарзандларининг рус тилини ўрганишларига кўмаклашди, ватанида бошлаган муаллимлик фаолиятини давом эттирди, физика, химия, табобат, астрономия каби фанларни, ҳинд, уйғур, ҳатто хитой тилларини пухта эгаллаш йўлларини топди, юртида нашр этилган китоблар савдоси Шарқий Туркистонда кенг йўлга қўйилиши хусусида фаолият кўрсатди, ўзбек тилидан рус тилига шеърий таржима муаммолари ҳақида фикрлади, уйғур ва хитой халқлари тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида қимматбаҳо асарлар яратиб, нашр эттирди.

Ниҳоят, Фурқат яна бир катта ишга киришиб, умр бўйи яратган шеърий асарларидан девон тузди. Бу ҳақда дастлаб шоир ҳақидаги драма автори Барот Авезовдан маълумот олган эдик. 1977 йил 3 январдаги суҳбатимизда Б. Авезов Фурқат чет элда «Матла-ул анвор» номли девон тартиб берганлиги, девон қандайдир сабаб билан Қирғизистондаги шеърият ихлосмандларидан бирининг қўлига тушганлиги, 30-йиллар ўрталарида Фрунзега гастролга борган таниқли хоманда Жўрахон Султонов ундан ўттиз чоғли ғазал, муҳаммасни кўчириб, ўз шахсий кутубхонасида сақлаганлиги, драматург эса шуларнинг аксар қисмини Фурқат ҳақидаги драмага киритганлиги хусусида сўзлаб берганди. Зотан, «булбул» радифли ғазалнинг қуйидаги мақтаъси ҳам Фурқатнинг шу номдаги девони бўлганлигидан далолат беради:

Сабоқ олиб ўқуғил «Матлаул анвор»и Фурқатдин,
Бурунғи файзи йўқ алҳонларингни айла бас, булбул.

Ўзбек театри тарихи билан шуғулланган Миён Бузрук Солиҳов ҳам 30-йиллар биринчи ярмида шоирнинг шу девонига дуч келган ва бундай ёзган: «Фурқат ўзининг қўлёзма девонида қуйида кўрсатурғон шеърнинг (бу ерда «Суворов ҳақида» манзумаси кўзда тутилмоқда) бошида бир изоҳотни қўшиб ёзади: «Ўз ободонлиғи билан ақлларни ҳайрон қолдирувчи Тошканди муаззамға виставкани сайру тамошо қилиш учун Фарғонадин боргон зоти киромийлар билан бирга камина ҳам боргон эди. Шу саодатли фурсатда Тошкандниг улуғ зотларидин бўлғон Муҳиддинқози жаноблариниг даргоҳларида туруб, сайру тамошолар ва ширин суҳбатлар билан бир неча вақтлар ўтуб турди. Кунлардин бирида жаноби қози ўз ақраболари билан ва ёру дўстлари билан... театру тамошосига бордук. Шу ғаройибдул масал тамошо ҳақида камина бир назм тартиб бердим».

Фурқатнинг дастхат девонидан келтирилган бу мулоҳазалардан шоир таржимаи ҳоли ва ижоди учун муҳим бўлган айрим хулосалар чиқариш мумкин. Аввало, Фурқат 1890 йилнинг июлида Фарғонага жўнаб, у ердан Тошкентга вис-

Шариф ЮСУПОВ,
ТошДУ доценти.

Ахборот

ТУРКМАНИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

● **Қашқадарё вилоятида Туркманистон Маданияти куплари бўлиб ўтди.**

Қўшни жумҳурият Чоржўй вилоятининг ижодий ходимлари делегацияси бу ерга меҳмон бўлиб келди. Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғида байрам бўлди. Байрамда ўзбек ва туркман куй ҳамда қўшиқлари янгради. Ошпазлар конкурси бўлиб ўтди. Дўстлик байрами Қарши билан Чоржўй вилоятининг Керки ноҳияси ўртасида тузилган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома натижаси бўлди.

УРФ-ОДАТЛАР ТИКЛАНИШИ ЙЎЛИДА

● **Қўқонда 400 ўринли одатдан ташқари ўйингоҳ қурилди.**

Бу ерда Шарқ халқлари сайр-томошаларидаги анъанавий ўйин турларидан бири бўлган хўрозлар жанги ўтказилади. Бу қадимий ўйиннинг тикланиши йўқолган миллий урф-одатларни тиклаш йўлидаги яна бир қадам бўлди. Қўшни шаҳарлар ва вилоятлар ўртасида мусобақалар ўтказиш мўлжалланмоқда. Мусобақалардан тушадиган маблағни хайрия мақсадларига сарфлашга қарор қилинган.

[ЎзТАГ].

СПОРТ

КУРАШ:

ХОТИРА СОВРИНИ

● **Тошкентда генерал-майор Собир Раҳимов хотира-совриии учун ўтказилган анъанавий мусобақада РСФСР, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан тўпланган 175 нафар полвон ўзаро беллашди.**

Вазн тоифаларига кўра ашхободлик С. Қамбаров, И. Григорьянц, самарқандлик Н. Салмонов, душанбелик Х. Остонаев, тошкентлик С. Артёмов, И. Измаилов, Н. Тастанов, И. Нажмиддинов, Р. Жўраев, А. Фахриддинов, О. Асанов, С. Красильников, Семипалатинскдан О. Камеев, фарғоналик П. Новосёлов, С. Раҳимов, А. Бардаковлар совринли ўринларни эгаллашди.

ФУТБОЛ:

ИЎЛЛАНМА ЭГАЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон чемпионатида 20 та команда қатнашди. Ҳаққулободнинг «Норин» футболчилари 24 очко билан иккинчи лигага бериладиган йўлланманинг бирини қўлга киритишган эди.

Иккинчи йўлланмага Бағдоднинг «Гидротехник» ва Бухоронинг «Бинокор» командалари даъвогарлик қилдилар. Якунловчи ўйинлардан кейин ҳар иккала команда бир хил 23 тадан очко тўплади. Бағдодликлар ҳисобида битта ғалаба кўп бўлгани учун улар келаси йилдан иккинчи лигада ўйнаш ҳуқуқига эга бўлишди.

СПОРТПРОГНОЗ

Спортпрогнозининг 23—25 ноябрь кунлари ўйналган 47-тиражи якунлари чиқарилди. Ўзбекистон жумҳурият «Спортлото» корхонаси бўйича жами 135318 вариант тушди. Шундан 13 вариантни топганлар йўқ. 12 вариант бўйича 35 киши 104 сўмдан пул оладиган бўлди. 11 вариант бўйича 700 киши 19 сўмдан олади. Ютуқлар 15 декабрдан бошлаб келаси йилнинг 15 январигача берилади.

— Шифо топай десангиз, ихлос қўйинг, ишонинг!..

Нигоҳий-табиб ўз ҳузурига ёрдам сўраб кириб келаётган беморни ана шу сўзлар билан қарши олади. Қарийб икки ҳафта давомидаги кузатувларимда ана шу истакка мойиллик билдирмаган бирон кишини учратмадим.

— Қаерингиз оғрийди?

— Бошим...

— Оёғим...

— Белим...

— Э, шуни ҳам касал деб кўтариб юрибсизми, ҳозир тузатамиз-да...

Табибнинг таъбирича, тузалмайдиган касаллик йўқ. Ким нима билан оғриётганидан нолиса «ҳечқиси йўқ, албатта, тузалиб кетасиз» дея далда беради. Бирон марта «сизни тузатиш қўлимдан келмайди» деган гапини эшитганим йўқ.

...Кейин Абдуғаффор Абдуллаев беморга ўткир нигоҳини тикади. Бемор бу нигоҳга дош беролмаса керакки кўзини юмиб олади. Муолажа муддати тугайди. Табиб беморларни бир-бир нигоҳидан ўтказади.

— Қўлтиқтаёққа таяниб хонадан чиқиб кетаётган беморни эса йўлидан қайтаради.

— Нега қўлтиқтаёқни ташламаяпсиз? Ахир, ҳозир оёғингиз оғримаяпти-ку, — дейди у қатъий.

— Ўрганиб қолганим учунми, қўрқаман уни ташлашга, — бемор ўзини синаш учунми, тап-туп қилиб юриб кўради.

— Қўрқманг, қани, қўлтиқтаёғингизни ҳов бурчакка тираб қўйингчи. Энди унинг сизга кераги йўқ.

Бемор йўлга кирган боладай бирдан посангисини йўқотиб туради-да, секин юриб кетади...

— Оббо муғомбирей, менинг шунча кучимни олармишу яна қўлтиқтаёққа таянармиша, — дея ҳазил аралаш кулиб қолади бемор орқасидан Абдуғаффор.

Эртасига айни шу бемор зиналардан бемалол кўтарилиб хонага жилмайиб кириб келганини кўрган табиб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетади:

— Қалай, қўлтиқтаёқсиз ҳам юрса бўларканми?! — дейди яна беморга ҳазиллашиб.

Бемор ҳаяжонланиб ерга қарайди. Табиб билан хайрлашиб кетгунича миннатдорчилик маъносида қўли кўксидан тушмайди...

Оёқ, бел, бош оғриғидан шикоят қилиб табиб ҳузурига келаётганлар ҳам, ундан шифо топиб кетаётганлар ҳам кўп.

— Чап оёғим 1980 йилдан буён қақшаб оғрирди,— дейди Пискент ноҳиясидаги 4-сиртқи мактаб ўқитувчиси Маҳмуджон Ғуломалиев. — Қилмаган дори-дармоним қолмади. Буни қарангки, табиб ҳузурига беш маротаба келдиму оғриқ тўхтади-қолди.

— Уч муолажа амалидан сўнг бош оғриғим қолиб, юрагим тинчиди, оёғим ҳам нақ оғримагандек, — дейди биз билан қувончини бўлишиб Тошкент ноҳиясидаги «Победа» кўчасида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат ветерани Нуриддин ота Эшонов.

Бундай миннатдорчилик сўзларини яна кўплаб келтириш мумкин.

Сурункали қичима касаллиги, шамоллаш асорати, йўталдан азият чекаётган, кўриш қобилияти пасайиб кетаётган, дудуқланиш, пешоб тутмаслик қийноғидан бир неча муолажадан сўнг енгил тортиб, баъзилар эса дарддан мутлақо фориғ бўлганларини эшитиб нигоҳий табибдан бунинг сир-синоатини сўрайман:

— Бунинг ҳеч қанақа сири йўқ, — дейди Абдуғаффор самимий кулиб. —Ҳамма гап ихлосда. Ахир, ўзингиз ўйланг, инсон қилаётган ишига ишонмаса яшаб бўладими?! Мен аввало, ўз ишимга — беморимга тузатаман, деган ихлос билан қарайман. Бемор ҳам, албатта, тузаламан, деб ўз табибига ишонч билан қараса бас, олам гулистон...

Кейин у ишонч инсон ҳаётида энг кучли ҳаётий омил эканига мисоллар келтиради...

...Эмишким, бир маҳбус қатл этилишга ҳукм бўлибди. Миршаблар унга яхшилик қилмоқчи бўлишибди:

— Сени осиб ёки чопиб қийнаб ўлдирмаймиз, томирингни кесиб қўйсак астасекин танангдаги қон оқиб, чиқиб кетади-да қийналмай бу дунёдан кўз юмганингни ҳам билмай қоласан, — дейишибди.

Маҳбуснинг кўзини боғлашибди-да, томирини кесиш ўрнига шунчаки тирнаб қўйиша қолишибди. Кейин сув жўмрагини охирига етказмай бураб қўйишибди. Жўмракдан сув ҳар томчилаганда маҳбус менинг қоним томчилари деб юрагидан ўтказаркан... Миршаблар жўмракни бураб қўйишибди. Бирдан томчи товуши эшитилмай қолибди. Маҳбус энди тамом бўлдим, танам жонимда бир томчи ҳам қоним қолмабди, деган ишонч билан оламдан кўз юмган экан...

Табибга ўзимни таништирган эдим, э, Орловани кўриб келгандирсиз-да, — деди жилмайиб.


— Йўқ, ким у?...

— «Правда Востока»нинг мухбири. Менинг муолажамдан юзига сал-пал тушган ажинлар ҳам кетиб, шундай ёшариб кетдики, бир кўришиб қўйинг. Қойил қолмасангиз мен кафил, — дейди жилмайиб.

Русча газетага ҳамкасбимни қидириб кирсам уни дам олишга кетган дейишди. Отпускадан қайтганмикин деб яна сўраб-суриштирсам бошқа ёққа ишга ўтиб кетган экан. Шундай қилиб, у билан учрашолмай қолдим. Лекин дардим ҳам эсимдан чиқиб ёшариш кўйига тушиб қолдим. Қани айтингчи, қайси аёл буни хоҳламайди.

• *Ихлос—халос*

БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА...



Муолажада юзимга суртадиган упамни олдимга қўйиб қўяман. Мақсад бир йўла унга ҳам сеҳрли нигоҳ нурлари эмсин.

Тез-тез ойнага қарайдиган, кун сайин ажинларимдан фориғ бўлиб, чеҳрам очилиб бораётгандек туюлади. Очиғи, илгарилари ойнага кам қарардим. Қарасам ҳам ажинларимни санашга, уни йўқотишга ҳафсала қаёқда дейсиз. Таниш-билишлар, дўст-ёрлар ҳам бунча очилиб кетяпсиз, деб хушомад қилиб қўйишади. Эҳтимол, бу табиб нигоҳидан нур эмган упа-эликлар таъсиридандир. Эҳтимол юзимга эътибор берсам чиройим очилишига ишонч билан қари кирдим. Шифокорлар дори беришди. Кейин қон босимимни ўлчаб, қўрқиб кетишди, — гапида давом этди у.

— Шифохонада қолмасангиз бўлмайди, дейишди. Мен машинамни уйга ташлаб қайтиб келаман, деган баҳона билан у ердан чиқиб кетдим. Очиғи, шифохонада ётгим йўқ эди. Лекин уйга аранг етиб келдим... Мени қайта ноҳия шифохонасига олиб боришди. Палатага кирсам ноҳиямиздаги «Пахтакор» колхози тракторчиси Одил ака вой-войлаб оёғини ўраб ўтирибди. Кечки пайт оғриётган оёқларига қалампир аралаштирилган қўй ёғини обдон сурди. Оғриқ қолиш урнига тобора кучая борди. Эрталаб оёғи дўмбира бўлиб шишиб кетди. Шифокорлар югургилаб қолишди. Бўлим бошлиғидан буёғи энди нима бўлади, деб ташвишланиб сўрадим. Оёғида қон юришмай қолибди. Кесишга тўғри келади, деган гапни эшитиб, ўзимни баттар ёмон ҳис қила бошладим. Шундай забардаст, меҳнатқаш одам оёқсиз бўлиб ўтирсая деган ўй-фикр менга тинчлик бермасди... Одил аканинг каравоти қаршисида унга раҳмим келиб узоқ тикилиб ўтириб қолдим. Буни қарангки, оёғи оғриётганидан вой-войлаб ётган бемор тобора ўзини енгил сеза бошлаганини айтди. Ҳатто чекиш учун ташқари чиқсам ҳам ўз ҳолимга қўймай олдига чақириб оларди.

— Барака топкур, олдимда ўтира қол, сени кўрсам енгил тортяпман. Олдимдан кетсанг бир нима елкамдан босгандек оғир тортаман...

Одил акадан нигоҳимни узмайман, уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирганимиз туфайли ўзим ҳам енгил тортиб, бош оғриғим камайгандек бўлади...

Шундай қилиб, уч кун деганда икковимиз ҳам дарддан фориғ бўлиб шифохонани тарк этдик.

Ўшанда Одил аканинг «ука, сенда бир хосият борга ўхшайди, ўзингни бир текширтириб кўр», дегани қулоғимда қолганди.

Абдуғаффор Абдуллаев, мутахассислар кўригидан ўтар экан, унинг нигоҳ қувати энг юқори нуқтани 1550 милливольтни кўрсатиб турарди. Унинг табиблиги ҳақида гувоҳномалари бор. Бу гувоҳномалар бундоқ қараганда бир парча қоғоз. Аммо унга аллақандай куч, дадиллик бахш этганди. У муолажани уйидан, оиласи аъзоларидан, қўни-қўшнилардан бошлади. Кейин ўзи истиқомат қилаётган Марҳамат ноҳиясидаги беморлар ҳам уни қидириб кела бошлашди...

Қўли енгил нигоҳий-табибнинг овозаси вилоятга ёйилди. Ҳатто унга шифокорлар ҳам мурожаат эта бошлашди...

Бугунги кунда А. Абдуллаев жумҳуриятимиз Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамаси кенгаши илмий-техникавий фаолият кўрсатувчи, энергиянинг ғайрирасмий манбалар ва социал фаолликни жорий этувчи махсус марказ аъзоси. Жумҳурият экстрасеанслар уюшмаси аъзоси. Унинг ихлосмандларига келсак, улар тобора кўпайгандан кўпайиб боришмоқда.

— Муолажадан чарчайсизми? — сўрайман нигоҳий табибдан.

— Чарчайман. Лекин бемор кўрмаган кунларимга нисбатан масза қилиб ухлайман. Уйқум давомида кўз олдим кундузгидек ёришиб тураверади.

— Табиблик касбининг турмуш тарзингизга таъсири қандай?

— У ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Одамларга наф келтиришим мумкинлигига менда ишонч пайдо бўлди. Аввало ўша Одил ака ва ўзим шифо топган кундан эътиборан оғзимга спиртли ичимлик олмай қўйдим. Ваҳолонки, илгарилари усиз яшай олмасдим. Ичкилик деб оиламдан, дўст-ёрларимдан юзим шувут кунлар ҳам бўлган. Буни қарангки, ихтиёрий ҳолда ундан ихлосим қайтди. Энди ичиш у ёқда турсин ичкилик бўлаётган давраларда ҳам ўтиролмайман. Шу қисқа вақт менга шундан далолат бердики, инсоннинг имкониятлари жуда кенг экан. Фақат уни фойдали ишга йўналтира билиш керак. Мен энди ҳаётга кириб келгандек, энди яшаётгандек, покланаётгандекман...

Покланиш... Ёмон одатлардан покланиш, дарддан покланиш, фориғ бўлиш... Табибнинг нигоҳий қуввати ўзиникиники даволаган экан, бу унинг имкониятлари чинидан ҳам кенглигидан далолат беради.

— Маълумки, халқимизда «кўзи бор», «кўзикиш» деган тушунчалар жуда қадимдан бор, — дейди таниқли фантаст-адиб, «Сирли олам» ойномасининг бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов. — Абдуғаффор билишимча, ана шундай одамлардан. Бошқа экстросенс-муолажачилардан фарқли ўлароқ у кўзларидан моҳияти ҳали фанга қоронғу бўлган номаълум нур йўналтиради. Беморларнинг касал жойлари бу нурларни худди антеннадек қабул қилиб оларкан, мураккаб руҳий-физиологик жараёнларни бошдан кечиради, яъни баданнинг хаста жойлари қизиб, жимирлаб, оғриғи тўхтайди. Абдуғаффор Абдуллаевнинг бу ноёб хислатларини олимларимиз ҳали жиддий ўрганишлари керак, деб ҳисоблайман.

Нигоҳий табиб Абдуғаффор Абдуллаев шу йилнинг учинчи декабридан ойнинг охирги кунигача 1991 йилнинг январь ойидан бошлаб ҳар ойнинг ўнинчи кунидан сўнгги кунигача соат 16.00 дан 18.00 гача беморларни қабул қилиш сеансини ўтказади. Манзилгоҳ Оржоникидзе ноҳияси, Қибрай посёлкаси «8 Март» санаторийси.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Суратда: нигоҳий-табиб Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ.

1-ДЕКАБРЬ БУТУН ДУНЕ СПИД (ОИТС)ГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

БЕДАВО ДАРД

СПИД — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллигига чалинган бемор организми ҳимоя қувватини йўқотиб, бутун аъзои бадани жароҳатланади. Оқибатда бу дардга чалинган инсон ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Бутун жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган муаммо — касалликнинг кундан-кунга кўпайиб бораётганлигидир. Расмий маълумотларга назар ташласак, шу йилнинг биринчи ярмигача дунёдаги 192 та мамлакатнинг 177 тасида 289 мингдан ортиқ киши ОИТС билан касалланиб, 8—10 миллион киши эса касаллик вирусини юқтириб олган. Иттифоқимизда эса 1074 киши бу бедаво дардга чалинганлиги, шулардан 541 нафари совет, 533 нафари эса хорижий давлатларнинг (мамлакатимизда шартнома асосида ишлаётган ёки таълим олаётган) фуқароларидир. Энг ташвишланарли томони шундаки, касалликка чалинган беморларнинг 67 фоизини ёш болалар ташкил этади.

Ҳозирги кунга келиб ОИТС касаллиги бўйича эпидемиологик вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бормоқда. Жаҳон олимларининг фикрига кўра, бу хасталик камида 25 йиллик тарихга эга. Африканинг чангалзор ўрмонларида яшовчи халқ гуруҳлари орасида ОИТС қадимдан мавжуд бўлган. XX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи, олтмишинчи йилларда ўша ерларда турли иншоотларнинг қурилиши ва туб аҳоли билан бўлган мулоқот натижасида бу касаллик чегараланган ҳудуддан бутун дунёга тарқалиб кетишига сабаб бўлган. ОИТС касаллиги биринчи бор 1981 йилда АҚШда расмий рўйхатга олинган.

Жумҳуриятимизда бу касалликка чалинган беморлардан (1989—1990 йилларда) 17 нафар киши аниқланди. Уларнинг тўрт нафари совет фуқаролари, жумладан, икки бемор Тошкент шаҳридан, бир киши Тошкент вилоятидан, яна бири РСФСРнинг Волгоград шаҳридан меҳмонга келган аёл, қолган 13 нафар бемор эса чет эллик фуқаролар эканлиги аниқланди.

ОИТС вирусларини ташиб юрувчи бемор кўринишидан соғлом инсондир. Шунинг учун ҳам касалликни дафъатан пайқаб бўлмайди. Улар ичида чет мамлакатлардан келиб, пойтахтда таҳсил олган хорижлик талабалар эди. Беморда касаллик вируси юққандан бошлаб, бемор умри охиригача вирусни тарқатувчи манба бўлиб қолаверади. Хасталикнинг яширин давридан бошлаб ОИТС вируслари инсон қонида ва орқа мия суюқлигида кўплаб пайдо бўлади. Касаллик юқиш давридан маълум вақт ўтгач, атрофдагилар учун ўта хавфли вазият юзага келтиради. Касалликка чалинган бемор кўпроқ шаҳват, кўкрак сути, қисман бўлса-да, кўз ёши, сўлак орқали соғлом одамлар учун хавфли вируслар ажратиб турадилар.

ОИТС хасталигини ҳеч иккиланмай таносил касалликлари қаторига киритса бўлади, чунки касаллик 80 фоиз ҳолатларда гайриинсоний жинсий мулоқотлар йўли билан, 15 фоиз ҳолатларда гиёҳвандлик мақсадида ҳар хил тозаланмаган игналардан фойдаланиш оқибатида, уч фоиз ҳолатдагина таркибида ОИТС вируслари сақланиб қолган қонларни қуйиш орқали юқиши аниқланган. Фақат бир-икки фоиз ҳолатлардагина хасталикнинг юқиш омиллари ҳали фанга маълум эмас.

ОИТС билан касалланган одамларнинг оила аъзоларини узоқ вақт клиник-эпидемиологик ва лаборатория йўли билан текшириб кўриш натижалари, бемор оила аъзоларининг бирортасида ОИТС вирусларини юқтириб олганликларқ исботланмаган. Албатта, бу кузатувда эр-хотинлар маълум сабабларга кўра мустасно дир. Демак, оддий мулоқотда бўлиш орқали, ҳаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари, қўл бериб кўришиш, замонавий ювиниш жиҳозлари, жамоат жойлари, бекатлар, кинотеатр, транспорт, умумий овқатланиш тармоқларида ОИТС касаллиги соғлом кишиларга юқмайди. Турли ҳайвонлар ва ҳашаротлар орқали ҳам бу касалликни орттирган беморлар расман қайд этилмаган.

Жамиятда бундай ижтимоий-иқтисодий ва маънавий иллатнинг келиб чиқишининг асосий омили — шахснинг жамиятда шаклланиш жараёнига боғлиқдир. Шахснинг баркамол, ахлоқан пок бўлиб шаклланишида ижтимоий муҳит ва ижтимоий онг энг муҳим ўрин тутади. Албатта, бу ерда шахснинг ирсий хусусиятларини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Аввало, инсон маънавий ва ахлоқан баркамол ва пок бўлгандагина охир-оқибати ўлим билан тугайдиган дард — ОИТСдан ўзини ва атрофдагиларни ҳимоя қила олади.

Огоҳ бўлинг, ОИТС аксарият ҳолларда инсонни тубсиз жарликка — ўлим чангалига етаклайди.

А. АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш марказининг эпидемиолог врачи.

САМОЛЁТНИ ОЛИБ ҚОЧИШГА УРИНИШ

28 ноябрь куни Москвадан Сиктивкарга йўл олган ТУ-134 самолётини олиб қочишга уриниш бўлди. Бу ҳаво кемаси Сиктивкар авиация бирлашмасига қарашли эди.

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси жамоатчилик билан алоқа марказида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, учиш чоғида номаълум йўловчи экипажга хат юбориб, ундан Ироққа учишни талаб қилди. Ҳаво кемасининг командири йўловчилар ва улар қўлларидаги юклар пишиқ-пухта текширилганлиги тўғрисида хабар олганидан сўнг ўз йўлида учишни давом эттиришга қарор қилди.

Сиктивкар шаҳри аэропортига қўнилганидан сўнг самолётни олиб қочмоқчи бўлган киши ушланди.

У 1927 йилда туғилган, асли воронежлик ва ана шу шаҳарда яшайдиган Пилев Николай Александрович бўлиб чиқди. У пенсионер, иккинчи гуруҳ ногирони. Экипаж ва йўловчилар жабрланмади.

Тергов олиб борилмоқда.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 декабрда — БУТУНИТТИФОҚ БАЛЕТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КАТТА КОНЦЕРТИ.
2 декабрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), БУТУНИТТИФОҚ БАЛЕТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КАТТА КОНЦЕРТИ (19.00).
4 декабрда — АЛИШЕР НАВОИЙ (премьера).
5 декабрда — АЛИШЕР НАВОИЙ (премьера).
6 декабрда — ФАУСТ.
7 декабрда — РАЙМОНДА.
8 декабрда — ЧИО-ЧИО-САН.
9 декабрда — КОПЕЛЛИЯ (12.00), СЕВГИ ТУМОРИ (19.00).
12 декабрда — КОРСАР.
13 декабрда — ОТЕЛЛО.
14 декабрда — ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
15 декабрда — РИГОЛЕТТО.
16 декабрда — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ЖИЗЕЛЬ (19.00).
18 декабрда — ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ОПЕРА СТУДИЯСИНИНГ СПЕКТАКЛИ — ТРАВИАТА.
19 декабрда — УИҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
20 декабрда — ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ОПЕРА СТУДИЯСИНИНГ СПЕКТАКЛИ — ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ.
21 декабрда — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.
22 декабрда — ФЛОРИЯ ТОСКА.
23 декабрда — ЗОЛУШКА (12.00), МАСХАРАБОЗЛАР (19.00).
25 декабрда — ЗЕБУННИСО.
26 декабрда — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.

Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар соат 19.00 да бошланади. Танаффус соат 15 дан 16.00 гача.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ЯНА ССЖИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ ҲАҚИДА

Давлат фоизсиз заёми облигацияларининг Жамғармалар банкининг барча бўлимларидаги ва хусусан уларнинг филиалларидаги эркин савдоси давом этмоқда.

Қуйидаги молларни сотиб олиш учун мўлжалланган фоизсиз заём облигациялари савдода мавжуд:

2 ВА 3 БЎЛМАЛИ «ЗИЛ», «БИРЮСА», «МИНСК» ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ, ТИКУВ МАШИНАЛАРИ, «ВЯТКА» КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ, «СВИ» ПЕЧКАЛАРИ, ИХЧАМ ТРАКТОРЛАР, ВИДЕОМАГНИТОФОНЛАР, 4-АВЛОД ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ, РЎЗҒОР КОМПЬЮТЕРЛАРИ, АРАВАЧАЛИ МОТОЦИКЛЛАР.

«ССЖИ давлат мақсадли фоизсиз заёмларн ва давлат хазина мажбуриятларини чиқариш шартларини ўзгартириш тўғрисидаги» 1990 йил 7 июлдаги 653-сонли қарорга биноан, облигацияга мол олиш пайтига келиб (автомобилларни истисно қилганда) унинг нархи облигация қийматидан ошиб кетган бўлса, унинг эгаси молни облигацияда кўрсатилган нархда сотиб олади, бирмунча арзон мол харид қилинганда эса облигация қиймати билан молнинг баҳоси ўртасидаги тафовутни дўкон кассасидан олади.

ССЖИнинг давлат хазина мажбуриятларининг эгалари манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, юқоридаги қарорга мувофиқ, хазина мажбуриятларини сақлаш муддати 16 йилдан 8 йилгача қисқартирилган ва улар бўйича тўланадиган даромад миқдори йилига 5 фоиздан 10 фоизгача кўпайтирилган.

ССЖИ давлат хазина мажбуриятлари 1990 йилдан бошлаб 50, 100, 500, 1000 сўм қийматида чиқарилган. ССЖИ давлат хазина мажбуриятларининг баҳоси ҳар ойда ўзгариб туради ҳамда мажбуриятнинг ҳақиқий қиймати ва ҳар йилги 10 фоизлик даромад миқдоридан ҳисоблаб чиқариладиган курс қийматидан ҳосил бўлади.

Хазина мажбуриятларини сотишда январь ойи имтиёзли ҳисобланади, яъни мажбуриятлар ҳақиқий қиймат бўйича сотилади, курс қиймати олинмайди.

Хазина мажбуриятлари аҳолига эркин сотилади, зарур ҳолларда эса ССЖИ Жамғармалар банкининг барча муассасалари бундай мажбуриятларни аҳолидан сотиб олинади. Хазина мажбуриятлари пулларни сақлашнинг қулай ва фойдали йўлидир.

Ҳурматли ССЖИ Жамғармалар банкининг қимматли қоғозларини сақловчи фуқаролар! Жумҳурият жамғармалар банкининг исталган бир муассасасида ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича зарур маслаҳатларни олишингиз мумкин.

УЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

ўзбек ва рус тилларини биладиган профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга кафедралар бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: сиёсий иқтисод, хўжалик фаолияти таҳлили, физика;

доцентлар: хўжалик фаолияти таҳлили, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, ҳисобхона ҳисоб-китоби ва молия (3), ўрмончилик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва режалаштириш, сиёсий иқтисод (2), мевачилик ва узумчилик (2), умумий ва хусусий ҳайвоншунослик (2), рус тили, қишлоқ хўжалиги мелиорацияси, фалсафа, социалистик қишлоқ хўжалиги иқтисоди (2), агросаноат комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, социализм назарияси, ипакчилик (2), ўрмон мелиорацияси, физика;

катта ўқитувчилар: ҳарбий кафедра («Фуқаро мудофааси» курсини ўқитиш учун»), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва режалаштириш, жисмоний тарбия (3), сиёсий иқтисод комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари;

ўқитувчилар: жисмоний тарбия (3), рус тили;

ассистентлар: хўжалик фаолияти таҳлили, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар анатомияси ва физиологияси (2), энтомология ва ўсимликларнинг уйғунлаштирилган муҳофазаси (2), ҳисобхона ҳисоб-китоби ва молия (2), ўрмончилик, умумий деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва режалаштириш (3), сиёсий иқтисод, бошқарув ва совет ҳуқуқи (2), фалсафа, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, ҳисоблаш техникаси ва информатика, социализм назарияси, умумий ва хусусий ҳайвоншунослик, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш ва меҳнат муҳофазаси, агрокимё, табиатни муҳофаза қилиш ва агрометеорология, ўсимликшунослик.

Танлов муддати — 28 декабргача.

Ҳужжатлар танловлар тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими.

Бош муҳаррир ўринбосари Т. Н. НАЖМИДДИНОВ.

Рўзнома муҳарририяти: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши—33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда—32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт—33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт—32-54-14, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана и Верховного Совета Узбекской ССР

ИНДЕКС 64583.

№ 275. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12